



MILLIY TIKLANISH

32 (301) ● 2014 йил 20 август, чоршанба ● Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг ижтимоий-сиёсий газетаси
 ЎзМТДП — www.mt.uz Тахририят — www.milliytiklanish.uz 2008 йил 30 октябрдан чиқа бошлаган

Мамлакатимизда оилавий бизнес, касаначилик ва миллий хунармандчиликни жадал ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу борада банк кредитларидан унумли фойдаланиш муҳим аҳамият касб этади



Болалар ўйинчоқлари — бу халқ ҳаётини акс эттирувчи, унинг маънавий қадриятлари ва маданий тажрибасини асрлар давомида аجدодлардан авлодларга етказиб берувчи асосий бадиий воситалардан биридир



Олимларнинг фикрича, жаҳон океанларининг ифлосланиши билан боғлиқ муаммолар тобора долзарб масалага айланиб бормоқда. Бу борада инсоният атроф-муҳитга нисбатан муносабатини ўзгартириши керак



4 ДЕПУТАТЛИК БИРЛАШМАЛАРИ



Ўзаро ишонч ва манфаатдорлик — стратегик шерикликнинг асосий тамойиллари

ПЕКИН. 19 август. ЎЗА махсус мухбири Анвар БОБОЕВ хабар қилади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов Хитой Халқ Республикаси Раиси Си Цзиньпиннинг тақлифига биноан 19 август куни давлат ташрифи билан Пекинга келди.

Сўнги йилларда Ўзбекистон-Хитой муносабатлари кенг кўлам касб этиб, стратегик шериклик юксак даражага кўтарилди. Мамлакатларимизнинг миллий манфаатларига, Ўзбекистон ва Хитойнинг иқтисодий тараққиётига, жаҳондаги нуфузи юксалишига хизмат қиладиган бу алоқалар, аввало, Ислам Каримов ва Си Цзиньпин ўртасидаги дўстлик, мустаҳкам ишонч негизда, шунингдек, Дўстлик ва ҳамкорлик тўғрисидаги шартнома ҳамда Икки томонлама стратегик ҳамкорликни янада чуқурлаштириш ва ривожлантириш ҳақидаги қўшма декларация руҳида тараққий этмоқда.

Бу икки давлат раҳбарлари мунтазам учрашиб, Ўзаро муносабатларни янада юқори поғонага кўтаришнинг янги имкониятларини очиб ва ишга солиш, Ўзбекистон ва Хитойнинг барча соҳалардаги салоҳиятини тўла юзага чиқариш бора-сида фикр алмашиб келаётганида ҳам

яққол намоён бўлмоқда. Хусусан, Президент Ислам Каримовнинг 2012 йил июнь ойида Хитойга ташрифи чоғида ўттиздан ортиқ сармоявий лойиҳани амалга оширишга қаратилган умумий қиймати 5,3 миллиард АҚШ долларига тенг ҳужжатлар имзоланган эди. ХХР Раиси Си Цзиньпиннинг 2013 йил сентябрь ойидаги Ўзбекистонга ташрифи доирасида яна 15 миллиард долларлик лойиҳаларни кўзда тутувчи 31 ҳужжат имзоланди.

Ислам Каримов ва Си Цзиньпин жорий йил май ойида Осиёда ҳамкорлик ва ишонч чоралари бўйича кенгашнинг IV саммити доирасида Шанхай шаҳрида ҳам учрашдилар.

Бу галги ташрифнинг асосий воқеалари 19 август куни бўлиб ўтди.

Бутунхитой халқ вакиллари кенгаши саройида Ўзбекистон Республикаси Президентини расмий кутиб олиш маросими ўтказилди.

Шундан сўнг Ислам Каримов ва Си Цзиньпиннинг тор доирадаги учрашуви бошланди. Унда томонлар Ўзбекистон билан Хитой ўртасидаги муносабатларни янада ривожлантириш билан боғлиқ кенг кўламли масалалар, томонларни қизиқтирган минтақавий ва халқаро муаммолар юзасидан атрофлича фикр алмашдилар.

3-бет

5 МАЪНАВИЯТ

7 ХАЛҚАРО ҲАЁТ

Ягонасан, муқаддас Ватаним, севги ва садоқатим сенга бахшида, гўзал Ўзбекистоним!

○ Партия лойиҳаси



Маҳаллий ишлаб чиқарувчилар манфаати

ЎзМТДПнинг иқтисодийёт соҳасидаги мақсад ва вазифаларида акс этаётир

Истиқдолнинг 23 йиллик тантаналарига ҳам оз фурсат қолади. Айни кунларда юртдошларимиз Ватанимизнинг шонли тарихида қутлуғ ва улуг сана сифатида муҳрлиб қоладиган шу азиз байрамни муносиб нишонлаш учун катта тайёргарлик кўрмоқда. Бугун қай бир ҳудудга, қай бир масканга назар ташламанг, улкан бунёдкорлик ва яратувчилик ишларига гувоҳ бўласиз. Сановатлашган, иқтисодий потенциали юқори даражада ривожланган Навоий вилоятида ҳам деярли ҳар куни катта бир тадбир, анжуман ўтказилмоқда.

3-бет



2-бет

ТЕНГЛАР ИЧРА ТЕНГ БЎЛДИК

Йигирма уч йил. Кўҳна тарих учун оний лаҳзаларга менгезувлик ниҳоятда қисқа фурсат. Аммо мамлакатимиз учун моҳияттан асрларга тенг, бу давр. Зеро, ушбу йиллар бизга эрк ва хурриятни тақдим этиб, ўзлигимиз, шон-шухратимиз, миллий қадриятларимизни қайтариб берди. Уз тақдиримизни ўзимиз белгилаш ҳуқуқига эга бўлдик.

Эндиликда дунёнинг энг ривожланган ва тараққий этган илгор демократик давлатлари қаторидан муносиб ўрин эгаллашни мақсад қилган Ўзбекистон кўлга киритаётган улкан ютуқ ва марралар жаҳон ҳамжамияти томонидан ҳайрат ва ҳавас билан ҳақли равишда эътироф этилмоқда, тан олинмоқда. Бу, муҳтарам Президентимиз раҳнамолигида мустақилликка эришган илк йилларимизданок, ривожланишнинг ўзига хос ҳамда ўзига мос йўлининг тўғри ва оқилона танланганидан далолатдир. Шу боис, бугун та-

раққиётнинг "Ўзбек модели" деб аталаётган мазкур йўлдан қатъий ва оғишмай олға интилганимиз ўзининг юксак самараларини рўйи рост намоён этмоқда.

Яқин ўтмишимизга бир назар солайлик. Кеча ким эдик? Ўтган аср охирида кадр-қиммати, шаъни ва ғурури поймол этилиб, бой тарихи ва муқаддас қадриятлари топталган халқ биз эмасмидик?! Тоталитар тузум зуғумлари остида ғарибона яшаб, устимиздан мустамлака ҳукмронлиги кучайтирилгани аччиқ ҳақиқат эди. Ўзбекистон аталмиш юрт давлат

сифатида маҳв этилиб, миллий хусусиятларимиздан тамомила ажраб борардик. Иқтисодийтимиз батамом хомашё етиштиришга йўналтирилиб, миллий қадриятларимиз, халқона урф-одат ва анъаналаримиз, бой маънавий, илмий-маданий меросимиздан мосуво бўлаётган эдик.

Айниқса, 80-йиллар охири, 90-йиллар бошида мамлакатимизда ижтимоий-иқтисодий вазият шу қадар оғир эдики, қисқа давр ичида унинг изга тушиб кетиши ҳатто тасаввуримизга ҳам сиғмасди. Маънавий қарамлик остида тақдиримиз тубсиз жар ёқасига келиб қолганди. Бинобарин, ўша вақтларда Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган ялпи ички маҳсулотнинг ҳажми 11 фоизга пасайиб кетган, аҳоли жон бошига истеъмол моллари ишлаб чиқариш собиқ иттифоқ даражасининг 40 фоизини ташкил этарди. Қишлоқ жойларининг бор йўғи беш фоизигина тоза ичимлик суви, 17 фоизигина табиий газ билан таъминланганди, холос.

6-бет

Партия лойиҳаси — амалда

Банк кредитлари самараси

партия электорати фаолиятида намоён бўлмоқда

4-бет



○ Ўқув-амалий семинар

Навоий вилоятида икки кунлик ўқув-амалий семинар доирасида ташкил этилган "Ўзбекистонда сайлов ҳуқуқи эркинлигини таъминлаш ва сайлов қонунчилигини ривожлантириш" мавзусидаги давр суҳбатида Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси Марказий Кенгаши ва Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракция аъзолари, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар партия ташкилотлари раҳбарлари, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлардаги партия гуруҳлари аъзолари, маҳаллий ва бошланғич партия ташкилотлари етакчилари, партия фаоллари ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.


Ўзаро тажриба алмашиш, иш самарадорлигини ошириш

сайловлардаги муносиб иштирокимизни таъминлайди

2-бет

"Milliy tiklanish" газетасига обуна бўлинг!

Нашр кўрсаткичи — 158



Ўзаро ишонч ва манфаатдорлик — стратегик шерикликнинг асосий тамойиллари

(Давоми. Бошланиши 1-бетда)

Ислом Каримов Ўзбекистон томони Хитой раҳбарияти билан ҳар бир учрашуви юксак кадрлашани, бугунги музокаралар олий даражадаги мулоқотларнинг мантқий давоми эканини таъкидлади.

Си Цзиньпин Ўзбекистонни Хитойнинг ишончли шериги деб билишни, икки томонлама ҳамкорлик узок муддатлик ва ўзаро манфаатдорлик асосида ривожланиётганини кайд этди.

Томонлар ўзаро сиёсий ишончни мустаҳкамлаш, халқаро майдонда бир-бирини қўллаб-қувватлаш ва сўй-ҳаракатларни мувофиқлаштириш ҳамда хавфсизлик соҳасидаги ҳамкорликни давом эттиришга келишиб олди.

ШХТ доирасидаги муносабатлар, ушбу тузилмани ривожлантириш масалалари ҳам кўриб чиқилди.

Давлат раҳбарлари савдо-иқтисодий ва сармоявий алоқалар ўзаро муносабатларнинг муҳим бўлини эканини инobatга олган ҳолда, ишбилармонларнинг бевосита мулоқотларини янада фаоллаштириш, савдо ва инвестицияга оид кўрсаткичларни юксалтириш, энергетика, ноҳомашё, юқори технологиялар, транспорт инфратузилмаларини ривожлантириш соҳаларидаги ҳамкорлик кўламини ошириш масалаларини муҳокама қилди.

Ислом Каримов ва Си Цзиньпин музокарани Ўзбекистон ва Хитой расмий делегациялари аъзолари иштирокида давом эттирдилар.

Ўзбек ва хитой халқлари ўртасидаги муносабатлар Буюк Ипак йўли тарихи билан ҳамбарчас боғлиқ кетган бўлиб, миллий қадрият ва аъналаримиз жaxon маданиятини ривожлантиришга улкан ҳисса қўшган, савдо алоқаларимиз эса дунё аҳлига ўз даврининг ноёб буюмларини тақдим этган. Бугун инсон ҳаётининг эҳтиёжларига айланган чой, пахта, ипак, қoғoз каби маҳсулотлар уларнинг бир қисми, холос.

Кенгайтирилган таркибдаги музокарада ана шундай узок тарихга эга иқтисодий ва маданий ҳамкорликни ҳозирги замон руҳи ва талаблари асосида янада ривожлантириш масалалари кўриб чиқилди.

Хитой Ўзбекистоннинг энг йирик савдо-иқтисодий ва сармоявий шерикларидан бири эканини кайд этди. Хусусан, сўнгги олти йилда мамлакатларимиз ўртасидаги товар айирбошлаш ҳажми қарийб 6 баробар ошди ва 2013 йилда 5,2 миллиард АҚШ долларини ташкил этди. Ўзбекистонда Хитой сармояси иштирокида тузилган 482 корхона фаолият юритмоқда. Уларнинг етмишдан зиёди тўлалигича Хитой инвестициялари ҳисобига ташкил этилган. Юртимизда Хитойнинг 74 компанияси ўз ваколатхонасини очган.

Хитой Ўзбекистоннинг барқарор тараққиёт суръатларини юксак баҳолашни ҳамда юртимизда иқтисодийнинг янги юқори технологияли тармоқларини яратилиши ва ривожлантиришга, саноат корхоналарини модернизациялаш ва технология жихатдан қайта жиҳозлашга қаратилган сўй-ҳаракатларни қўллаб-қувватлашни билдирмоқда.

Олий даражадаги келишувларга биноан, 2013 йилда "Жиззах" махсус индустриал зонаси шаклида Ўзбекистон-Хитой юқори технологиялар саноат парки ташкил этилди. Бу ерда мобил телефонлар, қурилиш материаллари ва бошқа маҳсулотлар ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Жорий йилда "Жиззах" махсус индустриал зонасида Хитой компанияларини қиймати 50 миллион доллардан зиёд тўғридан-тўғри сармояси иштирокида ўн бешдан ортқ қўшма лойиҳани амалга ошириш кўзда тутилган.

Ҳамкорликнинг кўлами нақадар кенг эканини ёқилги-энергетика мажмуи ҳам яққол намойиш этади. Хитойнинг қатор компаниялари мамлакатимиздаги углеводород конларини қидириш ва қазиш ишларида фаол иштирок этмоқда. Хитой Миллий нефть-газ корпорацияси (CNPC) нафақат истиқболли углеводород конларини топиш ва ўзлаштириш, балки Муборак газ-кимё мажмуасида табиий газни чуқур қайта ишлаш лойиҳасини амалга оширишда ҳам қатнашмоқда. Икки мамлакат ҳам Хитойга узлуқсиз табиий газ етказиб беришни таъминловчи "Марказий Осиё — Хитой" газ қувурини қуриш ва ишга туширишни стратегик муҳим аҳамиятга мoл лойиҳа, деб билади.

Ўзбекистон ва Хитой ўртасида энг қисқа темир йўл тармоғини барпо этиш ҳам иқтисодий ҳамкорликнинг стратегик йўналишларидандир. Бу Хитойнинг Марказий Осиё мамлакатларига, ундан кейин Жанубий Осиёга чиқишини таъминлайди. Ўзбекистон Хитой - Қирғизистон - Ўзбекистон темир йўли қурилишини қўллаб-қувватлайди. Мазкур йўналиш 124 километрлик электрлаштирилган Ангрэн - Поп темир йўли қурилиши лойиҳасини ўз ичига олган. 2013 йилда "Ўзбекистон темир йўллари" давлат акциядорлик темир йўл компанияси ва Хитойнинг China Railway Tunnel Group компанияси ўртасида Камчик довоидан туннел орқали ўтадиган "Ангрэн - Поп" темир йўл линиясини қуриш бўйича умумий қиймати 455 миллион долларлик шартнома имзоланиши билан хитойлик ҳамкорлар иштирокида бу борадаги ишлар бошлаб юборилди. Лойиҳа 19 километрлик темир йўл туннели қуришни кўзда тутди. Айни

Партия ҳаёти

© Марафон

“Элим деб, юртим деб — улугъ зиёрат сари!”

хайрия марафони қатнашчилари ЎзМТДП гоё ва мақсадларини аҳоли орасида тарғиб этмоқда



неча-неча авлоду аждодларимиз яшаб ўтган, уларнинг ақл-идроқи, меҳнати жо бўлган маскан кўз олдимизга келади, - дейди Мавлонхон Тўраев. — Ватан меҳрини, ватан сеҳрини, унинг мўътабарлигию улғунворлигини сўз билан ифодалаш қийин. Хар бир баркамол инсон ватан истиқболи, эл-юртининг тараққиёти учун ҳеч нарса ни аямайди. Мен ҳам шундай эзгу мақсадларни олдимга қўйиб, партиямизнинг кам таъминланган, қарияларга саховат,

муруват кўрсатиш, шунингдек, ижтимоий соҳага ҳомийлик ва саховатпешалик ҳаракатини мамлакат бўйлаб кенг тарғиб қилиш каби устувор мақсадларини аҳоли орасига олиб кириш учун мазкур марафоннинг иккинчи босқичини амалга оширдим. Дастлаб 2010 — “Баркамол авлод йили”да марафоннинг биринчи босқичини муваффақиятли адо этган эдик. Ўғлим билан бирга ушбу хайрия лойиҳасини амалга оширар эканмиз, юртимиз-

даги тинчлик, осейишталикдан халқимиз қанчалар мамнун экани, улар ўтаётган ҳар бир куни учун шукрона келтираётгани, мустақиллик аталмиш улугъ неъмат нақадар тотли эканига яна бир қарра амин бўлаётганини кузатдик. Саёҳат давомида турли инсонлар билан учрашиб, суҳбатлашиб имкониятига эга бўлдик. Яна шуни ҳам алоҳида таъкидлаб ўтишни истардимки, истиқлол туфайли нафақат вилоят марказларида, балки олис, чекка қишлоқларда ҳам қўллаб бунёдкорлик ишлари амалга оширилганининг гувоҳи бўлдик. Ростки, кўркамлашиб, обод бўлиб бораётган юртимиз чиройидан шундай гурурга тўлдимки, кўзимга беихтиёр ёш келди. Сафаримиз чоғида юртдошларимиз билан бўлган барча суҳбатларимни кундалик дафтаримга қайд этиб бордим. Ажабмас, хайрия марафонидан тушган маблағга ушбу хотиралар асосида китоб нашр эттириш ниятимиз амалга ошса. Фурсатдан фойдаланиб, бизни хар дақиқда қўллаб-қувватлаб турган барча вилоят партия Кенгашлари фаолига ўз миннатдорчилигимни билдираман. Уйлайманки, бу каби амалий ишларимиз яна давом этади.

Марафоннинг якулиниши истиқлол байрамимиз 23 йиллиги арафасида пойтахтдаги “Мустақиллик майдони”да ўтказилди.

Тўмарис АбЪЗАМ,
“Milliy tiklanish” мухбири

© Бошланғич партия ташкилотлари — бош таянчимиз

Қадриятлар тарғиботида етакчи

куйи бўгин

Мамлакатимизда чуқурлашиб бораётган демократик жараёнлар сиёсий партияларнинг фуқаролик жамиятини барпо этишида маъсулиятини тобора оширмоқда. Бугунги кун сиёсий партиядан ўз сайловолди Платформасида белгиланган вазифаларни бажаришда ташаббускор бўлиш ҳамда ҳаётини тақлифларини ишари суришда изчил фаолият олиб боришни талаб этмоқда. Шу жиҳатдан олиб қаралганда, сиёсий партиянинг нуфузини оширадиган муҳим воситалардан бири — бу шубҳасиз, унинг бошланғич ташкилотлари фаолиятидир. Куйи бўгин қанчалик фаол ва ташаббускор бўлса, сиёсий партия дастурий мақсадлари амалга ошишининг кафолати ҳам шунча мустаҳкамланади.

Бугунги кунда ЎзМТДП Фуқарат туман Кенгашида 564 нафар аъзо бирлаштирган 15 та бошланғич партия ташкилоти фаолият кўрсатмоқда. Булар орасида “Чиркай” маҳалла фуқаролар йиғини қошида 64 нафар партия аъзоси бирлашган куйи бўгин ЎзМТДП дастури ҳамда сайловолди Платформасида илгари сурилган мақсад-вазифалар ижросини таъминлаш ва миллий қадрият ҳамда аъналарини кенг омма орасида тарғиб-ташвиқ қилишга алоҳида эътибор қаратмоқда.

— Электроникимизни ўйлантираётган ижтимоий-иқтисодий муаммоларни аниқлаш ва ечимини топишда куйи ташкилотлар фаолияти муҳим ўрин тутди, - деди бошланғич партия ташкилоти етакчиси Қодиржон Масодиков. — Шу боис, бошланғич ташкилотлар фаолиятини мунтазам такомиллаштириб бориш талаб этилади. Бунинг учун сиёсий

ўқувлар ва турли мавзуларда ташкил этилаётган семинарлар, назарий ва амалий машғулотларнинг аҳамияти бекиёс бўлмоқда.

Таъкидлаш ўринлики, мазкур куйи бўгин томонидан ўтказилаётган “Соғлом турмуш тарзи — саломатлик гарови”, “Соғлом она — соғлом бола”, “Гиёҳвандлик — аср вабоси”, “Оила — муқаддас даргоҳ”, “Экологик хавфсизликни таъминлаш — миллатнинг соғлиги ва генотипини химоя қилишнинг бош омили”, “Табий маданиятни юксалтиришда ЎзМТДПнинг ўрни”, “Мустаҳкам оила — жамиятимизнинг ҳал қилувчи кучи”, “Эл соғлиги — юрт бойлиги”, “Оммавий маданиятнинг ёшлар маънавиятига салбий таъсири” каби мавзулардаги тадбирлар ўшларнинг сиёсий-ҳуқуқий, табийий билимлари, маънавий дунёқарашини бойлаш ва фаоллигини оширишга қаратилганлиги билан аҳамиятлидир.

Жамият тараққиётини ёшларимиз фаолиятисиз тасаввур қилиб бўлмайди, - дейди куйи бўгин етакчиси. — Шу боис, ўтказилган тадбирларимизда ёшларнинг табий маданиятини ошириш, соғлом турмуш тарзига эришиб, репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш, эрта турмуш қуриш ҳамда ОИТС, гиёҳвандликнинг салбий оқибатларини ёшларга тушунириш борасида маълумотлар бериб бораёмиз. Яқинда куйи бўгинимиз ташаббуси билан маҳалла ёшлари жамоалари иштирокида “Спорт — саломатлик гарови” шiori остида волейбол, баскетбол, стол тенниси, бадминтон каби спорт турлари бўйича мусобақалар ташкил этилди. Бу эса келажак эгалари ўртасида соғлом турмуш тарзининг қарор топишида, уларни жиҳмонан ва маъна баркамол қилиб вояга етказишда муҳим аҳамият касб этади. Шунингдек, куйи бўгин фаолиятида ёш авлод ўртасида миллий хунармандчиликни тарғиб-ташвиқ қилиш, ёшларни “устоз-шогирд” аъналарини асосида соҳага кенг жалб қилишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу борада Республика “Хунарманд” уюмаси вилоят бўлими билан ҳамкорлигини кўз қилмоқда. Фарзандларимизнинг ёғоч ўймакорлиги, наққошлик, рассомлик, дурадгорлик, қуллоқчилик каби хунар сирларини ўрганишлари учун турли тўғарақлар ташкил қиляпти. Ёш хунармандлар байрамларида ташкил этилган кўргазмаларда ўларнинг амалий

ишлари билан қатнашаётганини қувонарли ҳол. Партия дастурий мақсадларидан келиб чиққан ҳолда туманлардаги маҳаллаларда бўлиб, хотин-қизларнинг қизиқишларини, хоҳиш-истакларини ўрганаёмиз. “Оила мустаҳкамлиги — турмуш ободлиги” мавзусидаги давра суҳбатиди уй бекаларнинг кўпчилиги хунармандчиликнинг турли йўналишлари, касаначилик ва оилавий тадбиркорликка қизиқишини, бу борада уларга моддий ва маънавий қўмак лозимлигини билдиришди. Бундай фаол хотин-қизларни хунармандчилик фаолиятларини йўлга қўйишлари учун амалий қўмак берилмоқда. Бу эса тадбирларимиз самардорлигини оширишга хизмат қилмоқда.

Мухтасар айтганда, сиёсий партия аҳоли орасида бошланғич партия ташкилотлари воситасида қаттиб боради, уларни ўйлантираётган масалаларни атрофича ўрганади, энг муҳими, тегишли масалаларнинг самарали ечимига доир тақлиф ва ташаббуслар билан чиқиш имконияти пайдо бўлади. Шундай экан, куйи бўгинларда ишни тўғри ва тизимли ташкил этилишига эришиб, маҳаллий Кенгашларнинг бошланғич партия ташкилотлари билан ўзаро ҳамкорлигини мустаҳкамлаш партия дастурий мақсадлари ҳамда электротар манфаатларининг таъминланишида муҳим роль ўйнаши шубҳасиз.

Нигора ҚАМБАРОВА,
ЎзМТДП Фаргона вилоят
Кенгаши матбуот котиби

© Хроника

ИСТИҚЛОЛ — энг олий неъмат, — бебаҳо

ЎзМТДП томонидан ўтказилган тадбирларда ана шундай эътироф бот-бот такрорланмоқда

САМАРҚАНД

ЎзМТДП Самарқанд туман Кенгаши ташаббуси билан мустақиллигимизнинг 23 йиллигига бағишлаб “Ягонасан, муқаддас Ватаним, севги ва садоқатим сенга баҳишда, гўзал Ўзбекистоним” шiori остида маънавий-маърифий тадбир ўтказилди. Таъкидланганидек, мустақиллик энг азиз, энг улугъ неъмат. Мамлакатимизда барча соҳаларда эришилаётган ютуқлар, улкан бунёдкорлик ишлари, аҳоли фаровонлигининг ошиши, аввало, истиқлол шарофатидандир. Шу боис, халқимиз хар йили мустақиллик байрамини катта шодивона, кўтаринки кайфият ҳамда ўзгача шукҳ билан қутиб олади.

Бу йил ҳам юртимизнинг барча ҳудудларида мустақиллигимизнинг 23 йиллигини муносиб қутиб олиш учун қизгин тайёргарлик ишлари олиб боришмоқда. Давлатимиз раҳбарининг “Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг йигирма уч йиллик байрамига тайёргарлик қуриш ва уни

ўтказиш тўғрисида”ги Қарори бу борада муҳим дастуриямал бўлиб хизмат қилмоқда. ЎзМТДП томонидан олиб борилаётган маданий-маънавий тадбирлар ҳамда тарғибот-ташвиқот ишлари ўсиб келаётган баркамол авлодга улугъ неъмат — мустақиллигининг, истиқлол шарофати ила эришилаётган ютуқлар, амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотларнинг мазмун-моҳиятини етказишда муҳим аҳамият касб этади.

ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ

Шу мавзуга доир яна бир тадбир ЎзМТДП Олмалик шаҳар Кенгаши томонидан ҳам ўтказилди. Унда партия шаҳар Кенгаши Ижроия Қўмитаси раиси Ҳузайрон Мирзаев сўзга чиқиб, жумладан, шундай деди: — Бугун биз эришган, эришажак юксак марралар, овоз да обод Ватанимиз манзаралари, аввало, истиқлолнинг тенгсиз неъматларидир. Шу боис халқимиз хар йили мустақиллик байрамини ўзгача шукҳ, хуш кайфият

билан қутиб олади. Бу йил ҳам мамлакатимизда истиқлолимизнинг шонли санасини муносиб қаршилаш учун қизгин тайёргарлик қурилди. Узининг неча минг йиллик қўна тарихида не-не воқеаларни бошидан кечирган халқимиз учун Ўзбекистон мустақиллиги — ҳаётимизни, онгу шууримизни тубдан ўзгартирган энг улугъ, энг азиз сана сифатида, кўп йиллар, замонлар ўтса-да, ўз аҳамияти, қадр-қиммати ва моҳиятини йўқотмайдиган, том маънодаги оламшумул воқеа бўлиб қолади. Тадбир якунида ёш иштирокчилар томонидан Ватанимиз мадх этувчи куй-қўшиқлар ижро этилди.

ХОРАЗМ

ЎзМТДП Янгиариқ туман Кенгаши томонидан “Баркамол авлод тарбиясида миллий қадриятларнинг ўрни” мавзусида тадбир ўтказилди. Тадбирда таъкидланганидек, мамлакатимиз ёшларининг соғлом, баркамол авлод, иқодий ва интеллектуал салохиятига эга, хар томонлама ривожланган шахс, ҳуқуқий саводдон, маъна ва жиҳмонан соғлом қилиб тарбиялаш давлат сиёсатида устувор вазифалардан бири этиб белгиланган. Бугунги кунда ёшлардаги миллий руҳият, инсоний фазилатлар, маънавият, жамиятини маънавий юксалтиришдаги иштироки, албатта, уларнинг баркамол инсонлар бўлиб етишиши учун асос бўлади. Бу каби тадбирлар, давра суҳбатлари ёш авлод онига миллий қадриятларимизга нисбатан ҳурмат туйғусини сингдиришда ҳам муҳим ўрин тутди.

Ўз мухбиримиз

Партия лойиҳаси — амалда



Банк кредитлари самараси

партия электорати фаолиятида
намоён бўлмоқда

Мамлакатимиз мустақилликка эришган илк кунлардан бarchа соҳалардаги каби оилавий бизнес, касаначилик ва миллий хунармандчиликни жадал ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Хусусан, соҳага оид қатор қонунлар ва кўплаб қонуности меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар ишлаб чиқилиб, бу борада муайян саъй-ҳаракатлар изчил амалга оширилмоқда. Бу, ўз навбатида, мамлакатимиз иқтисодий салоҳиятини ошириш, фуқаролар, айниқса, ёшлар бандлигини таъминлашда муҳим аҳамият касб этмоқда. Мазкур жараёнда ЎзМТДП ҳам муносиб иштирок этишга интилоқда.

Таъкидлаш жоизки, ЎзМТДП Марказий Кенгаши, Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси ва Республика "Хунарманд" уюшмаси ҳамда Марказий банк ҳамкорлигида амалга ошириб келинаётган "Банк кредитларининг оилавий тадбиркорлик ва мил-

ландчилик тизимини кредитлаш механизми ҳамда мазкур соҳалар рағнаки йўлидаги партия сиёсати тўғрисида электоратга атрофлича маълумот берилмоқда. Бундан икки йил олдин ана шундай семинарлардан бири Хоразмда ташкил этилган ва партия кўмаги билан вилотда фаолият юритаётган оилавий тадбиркор ва хунармандларга 544 миллион 200 минг сўм миқдорда имтиёзли кредит берилган эди. Хўш, электоратимиз вакиллари ўзларига берилган бундай имтиёзга қандай фойдалана олдилар? Банк кредитлари соҳа ривожига қай даражада ижобий таъсир қилди? Имтиёзли кредит олишга муваффақ бўлган хивалик акка-

тадбиркор Нейматжон Саидов ясаётган дераза ва эшиклар хариддорларга манзур бўлмоқда. Замонавий, сифатли хомашёдан пухта қилиб ишланган рому эшикларга буюртмалар нафақат Хива, балки қўшни туманлардан ҳам тушиб турибди.

— Фаолиятимизни бошлаганимизга икки йилдан ошди, дейди уста Нейматжон Саидов. — Ҳозир ҳар хил турдаги эшиклар ясаёмиз. Эътироф этиш жоизки, Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси кўмаги билан Республика "Миллий банк"и Урганч бўлимидан олган 60 миллион сўм кредит эвазига барча зарур ускуна ва жиҳозларни сотиб олдик. Айни пайтда кўчаларга кўрк бераётган муҳташам уйларнинг қад ростлашида кичик бўлса-да ҳисса қўшяёмиз ва бундан жуда хурсандимиз.

Кўшкўпирлик хунарманд Зубайда Тоғоновага банкдан кредит олиб ўз ишини йўлга қўйишида ЎзМТДП вилот Кенгаши яқиндан кўмак берди. У Халк банки Кўшкўпир туман бўлимидан олган 3 миллион сўмлик кредитга тикув машиналари харид қилиб, каштадўзлик билан шуғуллана бошлади. Хунарманд тиккан ёстиқ жилдлар, дастурхон ва замонавий пардалар хариддорлиги билан ажралиб туради. У бугунги кунда ўз касби сирларини ёшларга ҳам ўргатиб, устоз-шогирд аъналарини давом эттирмоқда.

Шунингдек, Гурлан туманида фаолият кўрсатаётган Йўлдош Холмуратовга ҳам дастлаб партия кўмагида 62 миллион сўмлик кредит сертификати топширилган эди. Бугунги кунда ушбу корхона ламинат ДСП ишлаб чиқариш дастгоҳлари ўрнатилмоқда. Мазкур корхона тўла қувват билан ишлаб бoшлагач, 12 та янги иш ўрни яратилади.

Алишер РАҲМОН,
"Milliy tiklanish" мухбири

Партия гуруҳларида

Электорат манфаатлари ҳимояси

депутатлар фаолиятида акс этиши лозим

Ҳаётимиз йил сайин ўзгариб, турмушимизда тобора фаровон бўлиб бормоқда. Мамлакатимизда ҳар бир соҳада ҳавас қилса арзиғулик ютуқларга эришилмоқда. Юртимиз тинч, осмонимиз мусаффо, бозорларимиз тўкин, халқимиз бунёдкорлик ишлари билан банд. Бунинг асосий сабабчиси, бебаҳо неъмат — мустақилликдир.

Жамиятда амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар негизда, энг аввало, инсон манфаатлари муҳасам. Шу боис ҳар бир юртдошимиз унга ўз ҳиссасини қўшишга интилаётир. Бизнинг халқ депутатлари Сирдарё вилот Кенгашидаги ЎзМТДП гуруҳи ҳам партия дастурий ғояларини амалга ошириш, ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, электорат манфаатларини ҳимоя қилишни ўзининг асосий мақсадларидан бири деб билади.

Дарҳақиқат, бугун юртимизда кечаётган демократик янгиланишлар жараёнида депутат, аввало, одамларнинг ўй-фикри, хоҳиш-истаклари билан қизиқиши, электорат манфаатларини қўллашга асосий мақсадлари билан намуна бўлиши зарур. Бу борада партия гуруҳимиз томонидан депутатлик сўровлари, депутатлик назорати амалга ошириб келинмоқда. Мазкур саъй-ҳаракатлар натижасида Сирдарё туманидаги "Бог аро", "Куёш" маҳаллари инфратузилмаси яхшиланди,

Оқолтин, Сардоба туманлари аҳолиси тоза ичимлик суви билан таъминланди.

Партия гуруҳи томонидан фуқароларнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётдаги фаоллигини янада ошириш, демократик жараёнларда фаол иштирокини таъминлаш, она Ватанимиз тараққиёти, халқимиз фаровонлигига хизмат қиладиган турли ғоя ва қарашларни илгари суриш ҳамда партия дастурий мақсад-вазифаларини жамоатчилик орасида тарғиб қилиш мақсадида турли тадбирлар ўтказиб келинмоқда. Хусусан, халқ депутатлари туман, шаҳар Кенгашиларидаги партия гуруҳларининг ўй-фикри, хоҳиш-истаклари билан қизиқишида вилотимизнинг ҳар бир ҳудудда Президентимизнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг 21 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси юзасидан ўқув-семинарлар, оилавий тадбиркор, хунармандларни қўллаб-қувватлаш, коллеж табиурчилари бандлигини таъминлаш мақсадида турли давра

суҳбатлари, учрашувлар ташкил қилинди. Айни кунларда давлатимиз мустақиллигининг 23 йиллик байрамини муносиб нишонлаш мақсадида партия гуруҳидаги ҳар бир депутатга жамоатчи вакиллар бириктирилган ҳолда, маҳаллаларда, ташкилот ва муассасаларда тарғибот тадбирлари уюштирилмоқда.

Бир сўз билан айтганда, барча сирдарёликлар ушбу унутилмас санани интиқлик билан кутаётганини уларнинг ишга қўйишга саъй-ҳаракатлари, юрт тақдирига нисбатан дахлдорлик ҳислари кўриниб турган чакноқ кўзларидан сезиш қийин эмас. Бу ўринда партия гуруҳи вилотимиздаги мавжуд маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш, асраб-авайлаш борасида халқ депутатлари вилот Кенгаши сессиясига ташаббус-масала киритиш, уларни ёш авлодларга бус-бутун етказиш ишларига ўз ҳиссасини қўшиш орқали мустақилликимизнинг 23 йиллигига муносиб тўхфа хозирлаш ниётида. Уйлаймизки, бу каби эзгу ташаббуслар юртимиз бўйлаб кенг қанот ёзиб бораверади.

Баҳримурот ИСАЕВ,
халқ депутатлари
Сирдарё вилот
Кенгашидаги партия
гуруҳи раҳбари

Интервью

— Маълумки, мустақиллик шаурофати билан халқимизнинг бой маънавий-маданий меросини қайта тиклашга алоҳида эътибор қаратилиб, бу борада таҳсинга сазовор ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, соҳанинг ҳуқуқий асослари ҳам такомиллашиб бормоқда...

— Дарҳақиқат, истиқлолнинг илк кунларидан бошлаб Президентимиз раҳнамолигида халқимизнинг маънавий, маданий, тарихий меросини қайта тиклашга, уларни асраб-авайлаш ва бойитишга муҳим вазифа сифатида эътибор қаратилди. Шўролар даврида кўплаб маданий мерос объектлари ҳўжалик омборхоналарига айлантирилиб, аянчи аҳволга келганлиги кечагидай ёдимизда. Истиқлол туфайли қадриятларимиз тикланиб, мазкур маданий мерос объектлари халқимизнинг маънавий-маърифий марказларига айланди. Фахр билан айтиш мумкин, республикамиз ҳудудида ўн мингдан ортиқ турли давр ҳамда цивилизацияларнинг меъморчилик санъат ёдгорликлари жойлашган. Улардан 140 таси ЮНЕСКО томонидан қўриқланадиган тарихий обидалар таркибига, Самарқанд, Бухоро, Хива ва Шахрисабз шаҳарлари ЮНЕСКО Бутунжаҳон мероси рўйхатига киритилган.

Шу ўринда жорий йилнинг 15-16 май кунлари Давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан Самарқанд шаҳрида "Ўрта асрлар Шарқ алломалари ва мутафаккирларининг тарихий мероси, унинг замонавий цивилизация ривожигаги ўрни ва аҳамияти" мавзусида бўлиб ўтган халқаро конференцияни тилга олиш жоиз. Боиси, ушбу конференцияда 50 дан зиёд мамлакат вакиллари иштирок этиб, улар буюк алломаларимиздан қолган улкан илмий-маданий, тарихий меросга катта қизиқиш билдириб, уларнинг жаҳон илм-фани тараққиётига қўшган ҳиссасини алоҳида эътироф этишди. Бу илмий, тарихий, маданий қимматга эга улкан моддий ва номоддий маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ҳамда улардан фойдаланишни янги босқичга кўтариш, соҳанинг норматив-ҳуқуқий базасини такомиллаштириш масалалари ўз аҳамиятига кўра долзарб ҳисобланади.

Ўтган давр мобайнида мазкур соҳадаги муносабатларни тартибга солишга қаратилган қатор қонунлар қабул қилиниб, янада такомиллаштириб боришмоқда. Хусусан, "Мада-

Ўзлигин тиклаётган ўзлигимиз намуналари

ёхуд маданий мерос объектлари муҳофазаси хусусида

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари кўмитаси раиси, ЎзМТДП фракцияси аъзоси Абдуғафур Маматов билан суҳбат

ний мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш тўғрисида", "Маданий бойликларнинг олиб чиқиши ва олиб кирилиши тўғрисида", "Археология мероси объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш тўғрисида", "Архив иши тўғрисида", "Музейлар тўғрисида"ги, шунингдек, "Туризм тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонунлари юртимизнинг маданий бойликлари ва улардан фойдаланиш борасида муҳим дастуриламалар бўлиб хизмат қилмоқда. Бундан ташқари, маданий мерос объектларини асраб-авайлаш, таъмирлаш, тўплаш ва улардан фойдаланиш масалаларини тартибга солишда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "Маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланишни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида" ҳамда "2010-2020 йилларда номоддий маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш, асраш, тарғиб қилиш ва улардан фойдаланиш Давлат дастурини тасдиқлаш тўғрисида"ги қарорлари алоҳида аҳамият касб этади.

— Маданий мерос объектлари муҳофазаси бўйича Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутatlари, хусусан, ЎзМТДП фракцияси аъзолари томонидан қандай саъй-ҳаракатлар олиб бориляпти? Фракция аъзолари партиянинг бу борадаги мақсад-вазифалари ижросига қандай ёндашишмоқда?

— Таъкидлаш жоизки, Қонунчилик палатаси депутатлари ўз ваколатларидан унумли фойдаланган ҳолда бу борада назорат-таҳлил ишларини амалга оширишмоқда. Жумладан, Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари кўмитаси томонидан "Маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш тўғрисида", "Маданий бойликларнинг олиб чиқиши ва олиб кирилиши тўғрисида", Археология мероси

объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш тўғрисида", "Архив иши тўғрисида", "Туризм тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонунларининг жойлардаги ижроси бўйича назорат-таҳлил фаолияти амалга оширилди. Мазкур тадбирларда соҳанинг ҳуқуқий асослари, маданий мерос объектларини асраб-авайлаш, таъмирлаш, бошқарув-ташқили асослари, молиявий таъминоти, моддий-техник базасини яхшилаш масалалари муҳофиза этилди.

Бу борада фракцияимиз аъзолари партия дастурий мақсадларидан келиб чиқиб, мазкур соҳага алоҳида эътибор қаратган ҳолда сайловчи билан учрашувлар мобайнида ҳудудлардаги маданий мерос объектларининг ҳолати, муҳофазаси, улардан тўғри ва оқилона фойдаланилиши ва ушбу йўналишдаги бошқа масалаларни атрофича ўрганишмоқда. Бундан ташқари, ўтган давр мобайнида Давлат бюджетини тасдиқлаш ва бюджетнинг чораклик, ярим йиллик, йиллик ижросига бағишланган фракция ва Қонунчилик палатасининг йиғилишларида Ўзбекистон халқининг умуммиллий бойлиги бўлиши маданий, археология мероси объектлари, архив фонди, музейлар ашёларини муҳофиза қилиш ва улардан фойдаланиш масалаларига алоҳида эътибор қаратиб келинади. Фракция йиғилишларида тегишли тақлиф ва тавсиялар ишлаб чиқилиб, қарорлар қабул қилинган. Шунингдек, мазкур масалада фракция ҳамда Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари кўмитаси ҳамкорлигида турли семинар ва давра суҳбатлари ташкил этилган. Мустақилликимизнинг 23 йиллиги арафасида бу борадаги фаолиятимизни янада кучайтиришни мақсад қилганмиз.

— Бу борада олиб борилган назорат-таҳлил натижалари хусусида қандай хулосага келиш мумкин? Улар асосида соҳа ривожига ҳисса қўшадиган қандай тақлифлар ишлаб чиқилди?

— Ўтказилган назорат-таҳлил хулосалари соҳада қатор ютуқ ва қувонарли натижалар билан бирга айрим камчиликлар, олдимизда турган муҳим вазифалар мавжудлигини ҳам кўрсатди. Масалан, моддий маданий мерос объектларини инвентаризациядан ўтказиш, паспортларини тайёрлаш, сақлаш, таъмирлаш, ўрганиш ва тарғиб қилиш борасидаги камчилик ва муаммолар соҳага қаратилган эътиборни янада кучайтиришни, тегишли ташкилот ва идоралар вакиллари масъулиятини янада ошириш лозимлигини талаб этади. Моддий маданий мерос объектларининг ташқи муҳит таъсирида, яъни ёгингарчилик, шамол, шўрланиш, ер ости сувлари кўтарилиши, зилзила, йўллар яқинлиги туфайли транспорт воситалари ҳаракатининг салбий таъсири ва бошқалар натижасида зарарланиш ҳолатларини кузатиш мумкин. Уларни қадр дастр баҳолаш ишлари (инженер топография тадқиқотларни ўтказиш ва кадастр ҳужжатларини рўйхатга киритишни) тугаллаш, объектлар жойлашган ер майдонларини ҳўжалик оборотидан чиқариш, ҳимоя чегараларини белгилаш масалаларида амалга оширилиши зарур бўлган ишлар мавжуд.

Таъкидлаш керакки, биргина маданий мерос объектларининг муҳофаза белгиларини ўрнатилиш орқали уларни турли салбий таъсирлардан ҳимоя қилиш мумкин. Аммо ўрганишларимиз шуни кўрсатадики, айрим ҳудудлардаги тарихий-маданий қимматга, кўп асрлик тарихга эга баъзи объектлар қаровсиз, ачинарли ҳолга келиб қолган, улар жойлашган ҳудуд ён-атрофида замонавий иншоотларни барпо этишда мазкур объектларнинг тарихий-маданий, туризм аҳамиятидан келиб чиқиб, хизмат кўрсатиш объектлари қурилиши мазкур ҳудуд мазмун ва руҳиятига мос тарзда амалга ошириш талаб даражасига етказилмаган. Бу каби камчиликларни бартараф этиш-

да ҳудудлардаги Маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш инспекциялари фаолиятини тўлақонли ташкил этиш, улар учун зарур шарт-шароитлар яратиш, бепул фойдаланишга берилган моддий маданий мерос объектларини қонун ҳужжатларига мувофиқ сақланиши устидан назорат ўрнатиш лозим бўлади. Музей, архив, кутубхоналар ва бошқа сақлаш жойлари бўйича аниқ маълумот тузиш, мазкур муассасаларда мавжуд маданий бойликларнинг умумий рўйхатини ишлаб чиқиш, сақлаш ва фойдаланиш масалаларини янада такомиллаштириш зарурияти мавжуд. Бу, ўз навбатида, маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва фойдаланишни тартибга солишчи қонун, қонуности ва бошқа меъёрий ҳужжатларга тегишли ўзгартиш ва қўшимчалар киритишни, бунда парламентнинг иштироки ва ролини янада оширишни талаб этади.

Шу маънода фракцияимиз томонидан Маданият ва спорт ишлари вазирлигига "Маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланишни янада такомиллаштириш чора-тадбирларининг амалга оширилиши ҳолати ҳақида" парламент сўрови юбориш режалаштирилган. Фракциядошларимизнинг фикрича, ушбу сўров соҳа ривожига, бу йўналишда кўзга ташланаётган айрим камчиликларнинг бартараф этилишида алоҳида аҳамият касб этади. Янада аниқроқ тўхталандиган бўлса, мазкур сўровдан қўзланган мақсад - маданий мерос объектларини улардан фойдаланишнинг ҳолати, соҳада белгилаб олинган истиқболдаги режаларни амалга оширишнинг чора-тадбирлари билан депутатлар корпусини янада кенгроқ таништириш, соҳага оид ҳуқуқий ҳужжатларнинг амалга оширилишида парламентнинг иштирокини оширишдан иборат.

— Юқорида таъкидлаганингиздек, юртимизда 10 мингдан ортиқ тарихий ва меъморий ёдгорликлар мавжуд. Мамлакатимизнинг гўзал табияти ҳамда бетақор тарихий обидалари, қадимий шаҳарлари, ўз навбатида, туризм

ривожига ҳам муҳим ўрин эгаллаб бормоқда.

— Дарҳақиқат, мустақиллик йилларида туризм, хизмат кўрсатиш ва сервис соҳаларининг жадал ривожланишига алоҳида эътибор қаратилиб, туристик хизматлар ҳамжи қарийб 2 баробар ошди. Бу борада Президентимизнинг "2013-2016 йилларда қишлоқ жойларда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини жадал ривожлантириш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Қарориди белгилаб берилган экологик, тиббий-соғломлаштириш, спорт туризми, шунингдек, яқна тартибдаги қишлоқ меҳмонхона уйлари негизда агротуризмни ўз ичига олган замонавий туристик хизматлар турларини ривожлантириш, туристларга сервис хизмати кўрсатиш учун йўл бўйи инфратузилма мажмуаси қурилиши туристик қишлоқларда кўпайишига замин яратди. Бундан ташқари, Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 19 сентябрдаги баённомасига асосан, барча ҳудудларда 2011-2012 йиллар мобайнида туризм соҳасини ривожлантириш ва туристик хизматлар экспорт салоҳиятини оширишга доир манзилли тадбирлар дастурлари ишлаб чиқилган бўлиб, унда минтақанинг тарихий-меъморий ва бошқа диққатга сазовор масканларини хатловдан ўтказиш ҳамда бошқа чора-тадбирлар белгиланган.

Ўрни келганда айтиш жоизки, мамлакатимизда ички туризмни янада ривожлантириш, яъни аҳоли, айниқса, ёшларни маданий мерос объектлари, тарихий обидеа ёдгорликларига кенг жалб этиш, уларнинг аҳамиятини ёш авлод вакилларига кенгроқ таъқириш, тарғиб қилиш, тарғиб этиш лозим. Бу борада кадрлар масаласига ҳам алоҳида эътибор қаратиш керак бўлади. Боиси, бирор тарихий обидеа ҳақида маълумот беришда унинг тарихи ва аҳамиятини илмий асосланган факт ҳамда далиллар орқали таърифлаш лозимлиги бево-сита кадрлар салоҳияти, билим ва теран тафаккурини талаб этади.

"Milliy tiklanish" мухбири
Мухтарам КОМИЛОВА
суҳбатлашди

Маънавият

● Таҳлил



Ўйинчоқлар соғлом авлод тарбиясида муҳим ўрин тутди

Ўшларимизни халқимизнинг бой ва бетақарор маданий, маънавий-ахлоқий ҳамда миллий анъаналарига таянган ҳолда тарбиялаш, уларда миллий ва халқ анъаналарига нисбатан чуқур ҳурмат туйғусини уйғотиш, юксак маънавиятчи, қомил инсонлар этиб тарбиялаш борасида юртимизда салмоқли ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, фарзандларимизнинг ақлий ривожланиши, маънавияти, онг-у шуурига таъсир ўткази оладиган ўйинчоқ ва кўғирчоқларга бўлган талаб кундан-кунга ортиб бормоқда. Бу борада мамлакатимизда ўйинчоқлар ишлаб чиқарувчи корхоналар, “устоз-шогирд” анъаналари асосида миллий ўйинчоқлар ясаш сирларини авлоддан-авлодга етказиб келаётган уста-хунармандлар ҳар томонлама қўллаб-қувватлашиб, улар учун барча шароитлар яратилмоқда. Бироқ, бугун миллий маҳсулотларимиз юртимиздаги ўйинчоқ ўйнаш ёшида бўлган 4,5 миллиондан зиёд бўлган боланинг ҳаётиёни қай даражада қондирилади? Нима учун четдан кириб келаётган маҳсулотларга ҳали ҳам ҳаётда журналистик кузатувлардан ташқари, соҳа мутахассислари ҳам мурожаат қилиди.

Пойтахтнинг Чорсу, Чилонзор, Авиасозлар, Юнусобод буюм бозорлари, Ўриқзор улгуржи бозорини айландик. Болалар ўйинчоқлари сотиладиган савдо расталарини кузатар экансиз, баъзи бир савдо пештахталарида миллийлигимиз акс эттирилган, асосан, хунармандлар ижодида мансуб кичик-кичик кўғирчоқлар ўрин олганига гувоҳ бўлдик. Аммо уларнинг миқдори етарли даражада эмас. Уларни катта бозорни айлана-айлана кичик бир растадагина топиш мумкин. Ўргимчак одам, чақмоқ Маквин, смурфлар, трансформер, барби кўғирчоқлар бозорда ўз ўрнига эга, харидоригр маҳсулотлар бўлиб қолган. Шунингдек, одам кулчи етмайдиган ок айик, “Бейби” сингари катта ўйинчоқлар, асосан, совға қилиш учун урфга кирган. Шу ўринда бир мушоҳада — кичик ёшдаги кизалоқлар кўғирчоқини бағрига босади, аллалайди, эркалайди. Онасига тақдир қилиб, уни тергайди, дилдан сўхбатлашади. Энди тасаввур қилинг, пардоз-андози меъёридан оширилган, соч турмақлари ёш қизларга мос бўлмаган ёки фарзанд кутаётган барби кўғирчоқлар тўплами уларнинг руҳиятига қандай таъсир қилади?

— Ўғил болалар ўзининг ҳақиқий автомашинаси бўлишини хохламоқда, - дейди Ўриқзор улгуржи бозорига савдо қилувчи Анвар Саъдуллаев. — Бу борада уларга дунё болажонларининг энг сеvimли автомашинасига айланган, инглизларнинг миллий қахрамони саналган, жиддий қиёфадаги чақмоқ Маквинни тутқазса ола-миз, холос.

— Қанийди, ўзимизда ҳам хилма-хил ўйинчоқлар кўпроқ ишлаб чиқарилса, четдан товар олиб келишга ҳожат қолмасди,- дейди Юнусобод буюм бозорига болалар ўйинчоқлари сотувчиси Саодат Хамраева. — Шунча маблағ, машаққатли йўл, вақт сарфлаб ўтирмасдик. Миллий маҳсулотларни имкон қадар топса бўлади, аммо нархи бироз қимматроқ.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, четдан кириб келаётган болалар ўйинчоқларини сифатли деб айта олмаيمиз. Шифокорларнинг таъкидлашича, сифатсиз маҳсулотни, ҳеч бўлмаса, ҳиди ва рангидан ажратилиши мумкин. Зарарли ўйинчоқларда бошни оғритадиган ёқимсиз хид бўлади, ушлаганда қўл терлайди ёки ранги тез

ўчади. Бундай ўйинчоқларни хари-дир қилиш оқибатида бола организмга қанчадан-қанча микро-блар тушишини тасаввур қилиш қийин эмас. Гигиена талабларига жавоб бермайдиган ўйинчоқлар туфайли болаларда турли хавфли касалликлар кузатилиши мумкин. Бу ўйинчоқларда йиғилган чанг ва бошқа зарарли мод-далар оғиз, нафас йўллариغا туш-са, аянчи оқибатларга олиб ке-лиши ҳеч гап эмас. Бундай ўйин-чоқларни эса кузатувларимиз да-вомидида қўллаб учратдик.

Биз бу борада фақат пойтахт бозорлари билан чекланиб қол-масдан баъзи вилоятларга ҳам эътибор қаратдик. Бу хусусда га-зетаимизнинг вилоят муҳбирлари кўмаги бизга асқотди.

Дилноза ХАЙИТОВА,
Жиззах вилояти:
— Шаҳримиздаги болалар учун мўлжалланган дўконларда мил-лий ўйинчоқларни топиш мушкул. Уларни фақат кўргазмаларда кўришимиз мумкин. Сотувчилар-дан бунинг сабабини сўрагани-мизда, миллий кўғирчоқлар хари-доригр эмаслигини баҳона қилиш-ди. Дўкон расталарига миллий ўйинчоқларни қўйганимиз, де-ган саволимиз эса очик қолди. Савдо пештахтасига бирор марта ҳам миллий ўйинчоқларни қўймас-дан, харидорлар номидан жавоб берган сотувчилар хорижий ўйин-чоқлардан келган мўмайгина фой-дани эмас, фарзандлари келажак-ни ўйлашса, нур устига нур бўларди.

Ўралоий ТУРДИЕВА,
Навоий вилояти:
— Невараларимга ўйинчоқ олиш ниятида бозор ва дўконлар-га борганимизда, асосан, четдан кириб келган ўйинчоқлар хари-д қиламан. Уларнинг ҳаммасини ҳам сифатли деб бўлмайди. Айниқса, юмшоқ ўйинчоқларда синтетика маҳсулотни кўп бўлгани боис ўзига чанг олади. Бу эса бола соғлиги-га салбий таъсир этиши мумкин. Шу боис, четдан келтирилган бўлса ҳам, бола саломатлиги-га зиён етказмайдиган ўйинчоқлар-ни олишга ҳаракат қиламиз. Кўта-рилган мавзуга оидинлик кири-тиш мақсадида бозоримиздаги ўйинчоқ дўконларини айланар-канман, ўзимизда ҳам хорижий-дани қилишмайдиган ўйинчоқ-лар ишлаб чиқарилиши ва уларни фарзандларимиз бажонидил ўйнашларига гувоҳ бўлдим.

Ориф ХОЛИҚУЛОВ,
Самарқанд вилояти:
— Шаҳримиз бозорларида ва сайёҳлик марказларида баъзан миллий кўғирчоқларни ва хай-калчаларни кўриш мумкин. Ле-кин болалар ўйинчоқлари дўкон-ларида бу маҳсулотларимиз де-ярли йўқ. Болалар билан дўконга кирган ота-оналар ноилоҳ чет элдан келтирилган ўйинчоқлар-ни олиб беришга мажбур бўла-ди. Шаҳримизда миллий кўғир-чоқлар ясаш билан шуғуллана-диган уста-хунармандлар бисёр. Улар бозорлардаги ўйинчоқ рас-талари ёки дўконлар билан шар-тнома тузиб, маҳсулотларини ҳам-ма учун қулай нарҳда сотиш-са, ўсиб келаётган ёш авлод ка-молотига муносиб ҳисса қўшиш-ган бўларди.

Ақбаржон АБДУРАИМОВ,
Республика Маънавият
тарғибот маркази бош
мутахассиси:
— Миллий кўғирчоқларимизни бозорлардан кўра миллий хунар-мандчилик кўргазмалари, тари-хий ва сайёҳлик марказларида кўпроқ учратиш мумкин. — Тўғри-сини айтиш керак, асосан, қўл меҳнати бўлгани учунли уларнинг нархи бироз қиммат. Четдан ки-риб келаётган ўйинчоқлар арзон, бироқ ҳаммаси ҳам сифатли эмас. Баъзилари боланинг соғлиги-га салбий таъсир кўрсатади, баъзи-ларининг тағ заммида маънавий бузғунчи гоёлар мумкин. Узи-мизда миллий ўйинчоқлар ишлаб чиқариш кенг йўлга қўйилса, киза-лоқлар учун аниқ муддао бўлар-ди. Қолаверса, ўзбекиона қиёфа-даги турли касбларга оид кўғир-чоқлар ишлаб чиқарилса, янада яқин бўлар эди. Ўғил болалар учун ўйинчоқ самолётларда “Ўзе-бикстон хаво йўллари” деган жум-лалар акс этса, ҳарбий либосла-римиз акс этган аскар ўйинчоқ-лар ҳам ишлаб чиқилса мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Шунингдек, бугун болаларимиз бошқа давлатларнинг қахрамон-ларини севиб ўйнашларига мульт-фильм қахрамонлари ва бола-лар учун яратилган кинолар ҳам сабаб бўлмоқда. Бу борада ҳам ҳали бажаришимиз керак бўлган вазифаларимиз талайги-на деб ўйлайман.

Дилбар РАШИДОВА,
ЎзМТДП Марказий Кенгаши
Ижроия Кўмитаси Девони
бўлим бошлиғи:
— Фарзандларимизнинг кан-дай ўйинчоқ ўйнаши уларнинг ке-лажақда қандай касб эгаси бўли-ши билан боғлиқ. Мисол учун, ёш-лигида пазллар (puzzles) билан ўйнайдиган болалар, келажакда кўпроқ аниқ фанлар билан шуғулланиши кузатилган. Бироқ, бизнинг бозорларимиз ҳамда дўконларимизда эса чет элдан келтирилган, болаларимизга ҳеч қандай маънавий ва ақлий фой-да бермайдиган ўйинчоқлар билан тўлди.

Тарихга назар ташлайдиган бўлсак, аждодларимиз қандай ўйинчоқлар ўйнашган ёки бўлма-са у даврларда ўйинчоқлар бўлгани, деган ҳақли савол ту-ғилади. Албатта, улар ҳам ёшли-гида ўйинчоқ ўйнаб катта бўлиш-ган. Бироқ уларнинг ўйинчоқла-ри бизникидан фарқ қилган. Улар, асосан, хайвонлардан

ясалган ва ақлий фаолиятни кучайтирадиган пазллар (puzzles) ўйнашган, хайвонлардан қилин-ган ўйинчоқлар болаларнинг та-биятга ва хайвонларга бўлган меҳрининг ортиши учун хизмат қилган бўлса, замонавий тил билан аталаётган пазллар эса уларнинг ақлий фаолиятларининг кучайишига олиб келган. Бугунги кун ўйинчоқлари эса жангари фильмлар қахрамонла-рининг қиёфасини акс эттирган бўлиб, улар ёшлар орасида буз-ғунчи гоёларнинг вужудга кели-шига сабаб бўлаётганлиги ҳеч кимга сир эмас. Шундай экан, миллий урф-одатларимизни акс эттирадиган ўйинчоқларнинг бўлиши, фарзандларимизнинг ақлий қобилиятларини кучайти-риши билан биргаликда, туғил-диб ўсган юртига нисбатан ва-танпарварлик туйғуларининг вуж-дга келишига сабаб бўлади.

Рохамтон Университети про-фессори Беки Франскининг таъ-кидлашича, турли хил ўйинчоқ-лар болалар ва қизларнинг келажакдаги касб танлашига турли хил таъсир қилади. Масалан, ар-хитектура ва дизайн соҳасида ишлаётган кишиларнинг 60 фоиз-и ёшлигида ҳар хил блоқлар билан ўйнашни яхши кўришган экан. Сиз фарзандингизнинг келажакдаги касб танлашига қил-моқдасиз? Олиб бераётган ўйин-чоқингиз уларнинг келажакдаги муваффақиятларига қай даража-да таъсир қилади? Ахир, бу ўйин-чоқлар фарзандларимизнинг ке-лажақдаги истиқболи билан бо-ғлиқ эканлигини бутун жаҳон олимлари бугун бот-бот таъкид-лашдан тўхтамайптилар-ку?

Ўзбекистонда ҳам болалар ўйин маконини шакллантириш, ривожлантириш ва химоя қилиш учун зарур шароитларни яратиш бўйича алоҳида чора-тадбирлар кўришмоқда. Аммо Ўзбекистонга болалар руҳиятига бевосита ёки билвосита зарар етказувчи “ак-сив” ўйинчоқлар-ни етказиши ва тарқатиш ҳолатлари кўпайиши болалар ўйин маконини ривож-лантириш ва химоя қилишнинг қонунчилик асосларини яратиш, жумладан, “Болалар ўйинчоқла-рининг хавфсиз бўлиши тўғри-сида”ги қонун лойиҳасини иш-лаб чиқиш ва қабул қилиш зару-ратини туғдирмоқда.

Таъкидлаш лозимки, мазкур қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партияси дастурий мақсад ва талабларига жавоб бе-ради ва партия сайловолди дас-турида назарда тутилган. Мас-алан, партиянинг маънавий соҳа-даги энг муҳим вазифаси сифа-тида мамлакатимиз ва халқимиз манфаатлари билан яшовчи ўсиб келаётган ёш авлодни тарбия-лаш борасида республикамизда амалга ошириладиган кенг миқё-сли ишларда фаол иштирок этиш белгиланган. Бу соҳада партия энг муҳим устувор сифатида Кон-ституция ва қонунларда болалар ва ёшлар ҳуқуқларини химоя қилиш борасидаги саъй-ҳаракат-ларга нафақат қўмаклашиш, бал-ки маънавий-ахлоқий характери-даги хавфлар, диний экстремизм, зўравонлик каби салбий таъсир-лардан химоя қилишни ҳам на-зарда тутди.

Юқридаги фикр ва мулоҳаза-лардан келиб чиқиб қуйидагича хулосалар қилиш мумкин:

- Болаларнинг келажакда қандай касб эгаси бўлишига мослаб, ўйинчоқлар олиб бериш керак.
- Кўпроқ хайвонлар шакли ва ақлий фаолиятни кучайтирадиган кўғирчоқлар олиб бериш лозим (мисол учун, пазллар).

Мутахассисларнинг фикрича, замонавий ўйинчоқсозлик сано-атида асосий хомашё ҳисоблан-ган пластмасса ва пенопласт ўзимизда етарли. Чунки бу тур-даги хомашё, асосан, нефт-газ саноатида олинади. Тошкент вилояти Зангиота туманида жой-лашган “ToysPlast” МЧЖ дирек-тори Акром Музаффаровнинг фикрича, замонавий автомобил-ларнинг нусхаларини ишлаб чи-қариш — бу хориждан техноло-гиялар келтириб, бемалол сав-дога чиқариш мумкин дегани эмас. Дейлик, “Матиз” ёки “Спарк” русумидаги автомобиль ўйинчоқларини болажонлар ҳу-қми ҳавола қилиш учун ҳуқуқий жиҳатдан асос бўлиши лозим.

Жаҳонгир БОБОВЕ,
ЎзМТДП фракцияси
аъзоси:
— Болалар ўйинчоқлари — бу халқ ҳаётини акс эттирувчи, унинг маънавий қадриятлари ва мада-ний тажрибасини асрлар даво-мида аждодлардан авлодларга ет-казиб берувчи асосий бадий во-

ситалардан биридир. Президен-тимизнинг “Юксак маънавият — энгилмас куч” китобида ёзилга-нидек: “**Ўйинчоқлар образи бо-ланинг мурғак тасаввурига ба-мисоли тошга ўйилган нақшдек муҳрланиб, унинг онгида бир умр сақланиб қолади. Гўдак-нинг улғайиб, касб танлаши, келажакда қандай йўлдан бо-риши, ўзининг ҳаёт тарзини қандай ахлоқий-маънавий асосларга қуриши ҳам, ҳеч шу-бҳасис, унинг болалиқда қан-дай ўйинчоқлар билан ошно бўлиб ўсгани билан белгила-нади**”. Дарҳақиқат, “ўйинчоқ” об-рази бола тасаввури, дунёқара-ши ва ҳаётига муносабатларни шакллантиришга хизмат қилади.

Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партиясининг сайло-волди Платформасида (ҳаракат дастурида) ёш авлодни ҳар жи-ҳатдан соғлом ва баркамол, халқ-имизнинг бой маънавий мероси, урф-одат, аънава ва қадриятлар-га ҳурмат руҳида тарбиялаш усту-вор вазифа сифатида белгилан-ган. Болалар ва ёшларнинг қону-ний ҳуқуқларини, шунингдек, улар-ни маънавий-ахлоқий таҳдидлар, ёт гоёлар таъсиридан химоя қилишга қўмаклашиш, бу борада-ги кенг қўламли ишларни қўллаб-қувватлаш партияимизнинг дасту-рий мақсад-вазифаларини ҳаётга татбиқ этиш, уларни қонунчиликка сингдириш борасидаги саъй-ҳара-катларимиз, айниқса, жорий “Со-ғлом бола йили” да янги босқичга қўтарилмоқда. Йил муносабати би-лан қабул қилинган Давлат дасту-рида ҳам партияимиз сайловолди Платформасида назарда тутилган вазифаларга ҳамроҳанг чора-тад-бирларнинг белгиланиши фрак-цияимиз аъзоларини фаолиққа ун-дади, десак хато бўлмайди. Жум-ладан, Дастурда, аввало, ҳам жи-соний, ҳам маънавий жиҳатдан соғлом, муқтақил фикрлай олади-ган, юксак интеллектуал салоҳи-ятли, чуқур билимли ва замонавий дунёқараши эга, мамлакат тақ-дири ва келажак учун масъулият-ни ўз зиммасига олишга қодир баркамол авлодни шакллантириш, давлат ва жаҳоннинг барча куч ҳамда имкониятларини анша шу-мақсадларга сафарбар этишга доир кенг миқёсли чора-тадбирларни амалга ошириш қўзда тутилган. Шу нуқтаи назардан фракцияимиз ташаббуси билан ишлаб чиқил-ган қонун лойиҳаларида келажак-имиз эгалари манфаатларини йодолашга ҳаракат қилишимиз, Ху-сусан, “Болалар ўйинчоқларининг хавфсиз бўлиши тўғрисида”ги қонуни лойиҳасининг ишлаб чиқи-лиши бу борадаги амалий ташаб-бус бўлди. Қонун лойиҳасининг асосий мақсади — бу боланинг жисмоний, руҳий ва маънавий-ах-лоқий саломатлигига ва ривожла-нишига зиён етказиши мумкин бўлган болалар ўйинчоқларини ишлаб чиқариш ва унинг айланма-сини олдини олиш мақсадида бо-лалар ўйинчоқлари хавфсизлиги-га қонунчилик талабларини ўрна-тиш ҳамда болалар ўйинчоқлари-ни ишлаб чиқариш, унинг айлан-маси ва фойдаланилиши соҳаси-да муҳим аҳамиятга эга муноса-батларни тартибга солувчи меъё-рий-ҳуқуқий ҳужжатларни тўлди-ришидир. Ушбу қонуннинг қабул қилиниб, ҳаётга татбиқ этилиши эртаимиз эгалари бўлган фарзанд-ларимиз маънавий ҳаётида, тар-биясида муҳим аҳамият касб эти-ши шубҳасиз.

ХУЛОСАГА ҲАЛИ БОР...
Бугунги кунда доворак ўргим-чак одам АҚШлик олимлар томо-нидан яратилган. Хитойликлар ҳам кўп йиллар давомида излашни-лар олиб бориб, ўз миллий қахра-мони — кунфү Пандани яратди олди. Мутахассисларнинг фикрича, биз-да шарқона урф-одатлар, аждод-ларимизга хос дошиманлик, оғир-босиқлик ҳислатлари устун туради. Халқимизнинг шу каби эзгу фазилатларидан келиб чи-қиб, фарзандларимиз онгу-шу-ридан муқтаҳарим жой оладиган қахрамонлар образини экранга олиб чиқиш, улар асосида мил-лий ўйинчоқлар яратиш пайти ке-лди, назаримизда. Алпомиш, Ой-барчин, Качалпаллов, Бичикон, Зумрадод каби миллий қахрамон-лар акс этган кўғирчоқларни ўйна-ган фарзандларимиз томирлари чуқур илдири отган, боқий қадри-ятларга бой, буюк аждодларга бе-шиқ бўлган, ҳеч кимдан ҳам бўлма-ган юрт фарзандлари эканликлар-ини мудом ҳис қилиб турсинлар. Зеро, ҳар қайси миллат ва халқ-нинг маънавияти, унинг бугунги ҳаёти ва тақдири ўсиб келаётган ёш авлодининг қандай тарбия то-паётгани билан белгиланади.

Дилфуза РЎЗИЕВА,
“Milliy tiklanish” муҳбири

● Зиё масканларида

Миллий қадриятлар ва замонавий анъаналар

коллекж ҳаётида муҳим ўрин тутди

Истиқлолнинг дастлабки йиллариданоқ юр-тимизда баркамол авлод тарбияси, унинг келажакда алоҳида эътибор қаратилиши натижа-сида энг олис қишлоқларда яшовчи ўқувчи ёшларимиз ҳам замонавий техника ва технологиялар билан жиҳозланган, шинам ва ёруғ коллежларда таҳсил олиш имконига эга бўлишди.

Булғунғур маиший хизмат касб-хунар қолғида ҳам айни пайтда олти йўналиш бўйича минг нафардан зиёд ўқувчи касб сирларини эгалламоқда. Ўқув даргоҳида мил-лий урф-одатларимиз, аънава ва қадриятларимизга бўлган эътибор юқорилиги боис коллеж ўқувчилари фан олимпиа-далари, шунингдек, спорт мусобақаларида мақтанишга арзийдиган натижаларни қўлга киришти келаяпти.

— Коллежимизда миллий қадриятларимизни улуғловчи тадбирлар, миллий спорт ўйинлари, терма ва дostonлар айтишуви сингари беллашувлар доимий равишда ўтказиб турилади, - дейди ўқув юрти директори Бекзод Ильичиев. — Қувонарлиси шуки, бу каби ишлар ўқувчиларимиз тарбия-си, одоб-ахлоқига ижобий таъсир кўрсатмоқда. Бахши бобомиз Фозил Йўлдошнинг шу юртда етишиб чиққани сабабми, ўқувчиларимизнинг фольклор қўшиқларга бўлган иштиёқи баланд.

Мазкур билим масканининг тарихий музейи ҳам бор. Унинг экспозицияларидан қадимий омонч, бобомерос чан-қовуз, ёғочдан ясалган буюмлар, либослар, музикаий асбоб ва бошқа ашёлар ўрин олган. Эшитишимизга қараганда, коллеж ўқувчилари “Барҳаёт анъаналар” фольклор танло-вининг вилоят, республика босқичларида ҳам фаолиқни қўлдан бермай келишяпти.

— Танловнинг ўтган йилги босқичида билим маскани ўқувчилари томонидан намойиш этилган “Тўй маросими” кўриниши юқори баҳоланган эди, - дейди Бекзод Ильичиев. — “Барҳаёт анъаналар” фольклор танловининг бу йилги республика босқичида эса коллежнинг “Чаққи издошлари” жамоаси биринчи ўринни эгаллаб, олий диплом билан тақдирланишди. Унда вилоят ва туманга хос аънава, маро-сим ва урф-одатлар асосида театрлаштирилган саҳна кўриниши орқали қадимий халқ ўшиқлари, халқ ўйинлари, миллий либос ва маиший буюмларимиз тарғиб қилинди. “Дехқон ҳаёт қобғони” деб номланган композиция ҳайъат аъзоларида катта таассурот уйғотди. Бунда дастанинг Илёс Баҳриев, Элдор Абиров, Зиёда Юсупова, Нафиса Лапасова, Элбек Тожибоев, Нилуфар Эргашёва, Достон Гайбуллаев, Маъмура Мустафоева, Малахот Хўжанова, Достон Синдоров, Адҳам Усанов, Фахриддин Баҳриев каби аъзолари фаол иштирок этди.

Жамоанинг қувончи ютуқларидан яна бири Наманган шаҳрида ўтказилган “Баркамол авлод” спорт мусобақала-рида қатнашиши бўлди. Тўбора нуфузи ортиб бораётган мусобақада коллежнинг қўл тўра бўйича қизлар жамоаси вилоят шарафини муносиб химоя қилиб, билдирилган ишон-чи ортиги билан оқлашди.

Ориф ХОЛИҚУЛОВ,
“Milliy tiklanish” муҳбири

● Матбуот анжумани

Ҳисоб-китоблар тизими янада такомиллашмоқда

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томони-дан Пул муомаласини такомиллаштириш ва банк пластик карточкаларидан фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш масалаларига бағишланган матбуот анжумани бўлиб ўтди.

Маълумки, иқтисодий жараёнларда нақд пул айлан-маси нақдсиз пул айланмасига нисбатан кам бўлса-да, бироқ у катта меҳнат, вақт ресурслари харажати ҳамда бошқа қатор ташкилий ишларни талаб этади.

“Электрон тўловлар тўғрисида”ги Ўзбекистон Рес-публикаси қонуни, давлатимиз раҳбари Қарорлари ва Вазирлар Маҳкамаси Қарорлари асосида мамлақати-мизда банк тизимида миллий тўлов тизими такомилла-шиб бормоқда. Нақд пулсиз ҳисоб-китоблар амалга ошириладиган Банклараро тўлов тизими фаолият кўрсатмоқда. Микропроцессорли пластик карточкалар ва тўлов терминалларини маҳаллий шароитда ишлаб чиқариш йўлга қўйилган. Жаҳон ҳамда юртимиз тажри-басидан ҳам кўриш мумкинки, пластик карточкаларнинг нафақат фойдаланувчига, балки уни муомалага чиқар-ган банк ва пуллик хизмат кўрсатиш корхоналари учун ҳам қатор афзалликлари бор. Пластик карта эгалари бугунги кунда товар ва хизматлар учун тўловларни ҳар қандай масофадан туриб, исталган вақтда амалга оширишмоқда. Корхоналарнинг ҳисоб варақаларига пул ўтказилиши тезкорлиги ҳисобига савдо айланмаси ҳам ўсиб бормоқда. Ҳисоб-китоблар механизмидаги ўзгаришлар пул массасини бошқариш, муомаладаги нақд пул умумий массасини мақбул меъёrlарда сақлаш имконини бермоқда. Бугунги кунда мамлақати-мизда 12,4 млн.дан ортиқ пластик карта муомалага чиқарилган, савдо ва хизмат кўрсатиш объектларига 149 мингдан ортиқ тўлов терминаллари ўрнатилган. Жорий йилнинг ўтган олти ойи мобайнида банк карта-лари воситасида амалга оширилган транзакциялар ҳажми ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 40 фоизга кўпайган. Ҳозирги пайтда 57,5 минг нафардан ортиқ мижоз интернет-банкнинг, салкам 363 минг нафар мижоз мобиль-банкнинг хизматидан фойдаланмоқда.

Анжуманда таъкидланганидек, Республика Марказий банки томонидан “Электрон тижорат тўғрисида”ги Қонуннинг янги таҳрирдаги лойиҳаси ишлаб чиқилган. Мазкур қонуннинг қабул қилиниши республикамизда электрон тижоратни янада ривожлантириш ва рағбат-лантиришга хизмат қилиши шубҳасиз.

Хасан АБДУНАЗАРОВ

Бизнинг шарҳ

ОКЕАННИНГ БАҒРИ КЕНГ

аммо бу унга исталганча чиқинди ташлаш керак дегани эмас



Ўтган асрнинг ўрталарида Япониянинг Минамата шаҳри соҳилларида номаълум касаллик туфайли минглаб одамлар ҳаётдан кўз юмди ва минтақада ақли заиф болаларнинг туғилиши нисбатан кўпайди. Мутахассислар томонидан бу ҳолатнинг сабаблари аниқланди. Маълум бўлишича, касаллик таркибида симоби бўлган баллиқ истеъмол қилингани оқибатида келиб чиққан. Аслида муаммонинг асл илдизи баллиқларда ҳам эмас. Кузатувчиларнинг фикрича, Минамата шаҳри ёнида кимёвий завод бўлиб, корхона чиқиндиларни денгизга мунтазам ташлаб келаяётгани оқибатида ҳудудда турли касалликлар кўпайиб бормоқда.

Глобал тадқиқотлар шуни кўрсатмоқдаки, саноат инқилоби бошлангандан буён дунё океанлари сатҳида симоб микдори уч баробар ошиб кетган. 2006 йилдан 2011 йилга қадар Тинч ва Атлантика океанининг шимолий ва жанубий қисмида 8 та илмий тадқиқот экспедицияси фаолият юритиб, беш километр чуқурликдаги сувларни текшириб чиқди. "Nature" нашри томонидан эълон қилинган ҳисоботга кўра, жаҳон океанларида 60 минг тоннадан 80 минг тоннагача симоб борлиги аниқланди. Бу ўз навбатида, симобнинг баллиқлар организмга тушиши ва уни истеъмол қилган инсонларнинг соғлиғига жиддий зиён етказиши аниқланди. Айни пайтда Атлантика океанининг шимолий қисмидаги вазият аянчли экани айтилмоқда.

тушиши аниқ. Бу Австралиянинг ноёб ёввойи табиатида таҳдид солиши турган гап. "Сувга тушган ахлат денгиз жониворларига хавф солмоқда", дейди Жаҳон ёввойи табиат фондининг денгиз дастури раҳбари Лидия Гибсон. Унинг сўзларига қараганда, кўп ҳолатларда денгиз жониворлари пластик идишларни емиш сифатида қабул қилади. Полимер чиқиндилар кит, дельфин, тюлен, денгиз тошбақалари ва баллиқларнинг нобуд бўлишига олиб келмоқда.

Бундан бир неча йиллар олдин жаҳон океанларида бир миллион тоннагача пластик буюмлар сузиб юргани ҳақида маълумот берилганди. Бироқ, яқинда олимлар томонидан ўтказилган тадқиқот натижаларига қараганда, океанлардаги пластик буюмларнинг 99% йўқолиб қолган. Олимлар бу буюмлар қайққа йўқолган бўлиши мумкин, дея бош қотиришмоқда.

дилар билан қопланаётганидан ҳам олимлар бонг уришмоқда. Бироқ чиқиндиларнинг катта қисми денгиз ва океан сувларида сузиб юриши тан олинади.

Олимлар океанлардаги чиқиндилар кўламини аниқлаш мақсадида илмий-тадқиқот лойиҳасини ишлаб чиқишди. Улар 2010-2011 йилларда океанлардан маҳсус курилмалар ёрдамида пластик идишларни йиғишди. Тўпланган маълумотлар асосида жаҳон океанларидаги пластик чиқиндилар микдори ўрганилди. Аввалига бир миллион тонна пластик чиқинди борлиги тахмин қилинганди, бироқ олимлар океанларда 40 минг тонна чиқинди борлигини эълон қилишди. Қолган пластик чиқиндиларни топишнинг имкони бўлмади. Экспедиция раҳбарларининг фикрича, пластик буюмларнинг катта қисмини баллиқлар еб юборган бўлиши мумкин. Яъни, океандаги пластик буюмлар тўқин ва қуёш нури туфайли бўлақларга ажралиб, майдаланиб кетади. Бу ўз навбатида йирик баллиқларнинг емишига айланади.

Экспертларнинг фикрича, ҳозирча баллиқларнинг емишига айланган пластик буюмлар келажакда қандай биологик оқибатларга сабаб бўлиши ноаниқ. Чунки пластик буюмларга захарли моддаларнинг "ёпишиб олиши" эҳтимоли узоқ эмас. Баллиқлар захарли пластик буюмларни ютиб юборган, кейинчалик улар баллиқчилар томонидан тугилиб, бозорга олиб чиқилмаслигига ҳеч ким қаболат бера олмайд.

Кетма-кет пасайиш

"Малайзия ҳаво йўллари" ишчилар сонини 20 фоизга қисқартиради. 2014 йилнинг 1-чорагида "Малайзия ҳаво йўллари" авиакомпаниясининг молиявий зарарлари 137 млн. АҚШ доллари атрофида бўлди. Авиакомпания молиявий қийинчиликдан чиқиш учун иш ўринларини 20 фоизгача қисқартиришни маълум қилган. Маълумотларга кўра, йил бошидан буён мазкур авиакомпаниянинг 2 та йўловчи ҳаво лайнери билан йирик ҳалокат юз берди. Март ойида Ҳинд океани экваториясида Куала-Лумпур-Пекин рейси бўйича учган Боинг 777-200 ҳаво лайнери йўқолган. Ҳинд океани ҳудудида бир ярим ой давом этган қидирув ишларидан ҳеч қандай натижа бўлмади. Бундан ташқари, шу йилнинг 17 июль куни Амстердамдан Куала-Лумпурга учаятган "Малайзия ҳаво йўллари"га тегишли Боинг 777 Украинанинг Донецк вилояти ҳудудида ҳалокатга учраган.

Хавфли сосиска

Данияда одамлар сосискадан захарланган. Миллий озиқ-овқат институтининг хабар беришича, Копенгаген комбинатида тайёрланган қолбаса маҳсулотидеги листерия деб номланувчи хавфли бактерия аниқланган. Оқибатда корхона фаолияти бутунлай тугатилиб, ундаги барча маҳсулотлар савдодан четлатилган. Шифокорларнинг айтишича, ушбу касаллик асосан ёш болалар ва қариялар учун жуда хавф тугдиради. Маълумотларга кўра, захарли сосискадан 10 нафардан ортик одам вафот этган.

"Булутлар узра темир йўл"

Тибетда дунёдаги энг баланд темирйўлнинг ишга туширилиши кутилмоқда. Шу йилнинг август ойи охирида ишга туширилиши мўлжалланган мазкур янги йўлга "булутлар узра темир йўл" номи ҳам берилган. Тибет пойтахти Лхаса ва Шигадзэ шаҳарларини боғлайдиган темир йўл узунлиги 253 км.ни ташкил қилади ва 4000 метр баландликдаги тоғли ҳудуддан ўтади. Лхасадан Шигадзэгача икки соатли йўл ўз ичига узунлиги умумий йўлнинг деярли ярмини ташкил қилувчи 29 та туннель ва 116 та кўприкдан ўтиш жойларини қамраб олади.

Янги технологиялар асосида

2020 йилгача озуқа чиқиндилари даражаси 10 фоизга қисқаради. 2014 йилнинг 15 августидея Пекин шаҳрида ўтказилган Осие-Тинч океани иқтисодий ҳамкорлигининг ялпи мажлиси давомида озиқ-овқат соҳасида хавфсизлигини таъминлаш бўйича масалалар муҳокама қилинган. Тарқатилган хабарларга кўра, 2020 йилга бориб озуқа чиқиндиларини қисқартиришга оид масалалар тўлиқ ҳал этилади. Йиғилишда шунингдек, белгиланган мақсадларга эришиш бўйича чора-тадбирлар мажмуи қабул қилинди. Унга мувофиқ, Осие-Тинч океани иқтисодий ҳамкорлигига аъзо давлатлар томонидан дон маҳсулотларини сақлаш борасида янги технологиялар ривожлантирилиб, ортиқча озуқа чиқиндиларига қарши курашиш ва уларнинг даражасини 2020 йилгача 10 фоизга қисқартириш режалаштирилган.

Глобал исишга қарши чора

Финляндиялик олимлар томонидан яратилган усул сайёрамиз ҳароратини бир даражага тушириши мумкин. Тадқиқотга кўра, селекция йўли орқали ўсимлик барглари ялтироқ тусга киритилади. Олимларнинг фикрича, бундай баргларда қуёш нурларини қайтариш хусусияти бор. Бу эса сайёрамиз ҳароратини бир даражагача тушириш имконини беради. Аммо кузатувчилар ўсимликлардан бу тарзда фойдаланиш ҳосил унумдорлигига салбий таъсир кўрсатиш мумкинлигини айтишган. Бу усулга қишлоқ ҳўжалиги соҳасида фаолият юритаётган компаниялар ҳам эътироз билдириши турган гап.




Интернет хабарлари асосида Юлдуз ХАЙДАРОВА тайёрлади

Рангин дунё

Ҳиндистон Республикаси. Майдони — 3287300 квадрат километр. Аҳолиси — 1000000000 киши. Пойтахти — Деҳли шаҳри. Мамлакат ҳудуди шимолдан жанубга 3200, ғарбдан шарққа 2900 километрга чўзилган. Шимолда Ҳимолай тоғлари, ғарбда эса Арабистон денгизи, шарқда Бенгалия кўлини билан ўралган. Ҳиндистон таркибига Арабистон денгизидеги Лақадив ва Амниев ороллари, Бенгалия кўлигидеги Андаман ва Никобар ороллари ҳам қиради. Ҳиндистоннинг қуруқликдаги чегараси тахминан 15 миң километр, денгиз бўйлаб чегараси 5,5 миң километрдан зиёд.

Тош одамлар қасри



Тошмаҳалдан кейинги, иккинчи ўринда турувчи жой — Тош одамлар қасри ҳисобланади. Халқ орасида "Тошлар боғи" деб донг таратган бу қаср аслида боғ ҳам эмас. Қаср чиқиндилар ташланганидан жой ўрнида барпо этилган.

олиб бориб, улардан турли композициялар ярата бошлайди. 1973 йилдагина шаҳар раҳбарлари мутлақо ноқонуний равишда бунёд этилган бу иншоотни кўздан кечирадилар. Узоқ музокарадан сўнг, бу ердаги нарсаларни нафақат шундайлигича қолдиришга, балки Нек Чандга маош тайинлаб, яна 50 нафар ишчини унга бириктириб беришди ҳам. Бу узоқни кўзлаб қилинган қарор эди.

1976 йили Тош қасрга илк томошабинлар кирита бошланди. Ушандан бери Тош одамлар қасрига миллионлаб сайёҳлар ташиф буюриб, шаҳар хазинасини бойитиб келишмоқда. Бундан ташқари, Чандигархнинг ўзи ҳам ғайриоддий ва илғор шаҳар қурилиши ғоялари шаҳри сифатида донг таратмоқда. Айни вақтда Нек Чанднинг ижоди ватанининг миллий мулки ҳисобланади. Кўплаб орден ва медаллар соҳиби бўлган Чанд хайкаллари ҳатто ҳинд почта маркаларида ҳам тасвирланган. Нек Чанд Саинининг шахсий

Зафар МУҲАММАД

Ҳазми энгил, шифодур бори

Шафтоли меваси таркибида 80-90% сув, 10-14% канд, 0,081,02% олма, вино, лимон кислотаси, 0,56-1,26% пектин, шунингдек, ошловчи ва азотли моддалар, А, С, В витаминлари, данаги магзида 20-60% ёғ, амигдалин ва оксиллар бор.

Мевани янгилигида истеъмол қилган фойдалироқ. Шафтоли барги ва гулининг қайнатмаси халқ табобатида бош оғриги, ревматизм, ошқозон-ичак касалликларини даволашда кенг қўлланилади. Унинг данагидан олинган ёғлар тиббий ва косметологик воситаларнинг асосий хомашёси ҳисобланади. Айниқса, ушбу ёғлар ўқалаш (массаж) пайтида ишлатилса метёрлаштиради, тери остидаги мушакларни юмшатади. Шунингдек, у яраларни тузатиш хусусиятига ҳам эга. Шарқ табобати шафтоли барги ва гулидан тайёрланган дамлама ёрдамида канд касали, тошмалар, нейродермит каби касалликларни самарали даволашган. Шафтоли барглари саратон хасталигининг пайдо бўлишига йўл қўймайди. Айниқса, аёллар касалликларини даволашда шафтоли гуллари ва барглари фойдаси катта. Саратон хасталиги ва турли шишлар пайдо бўлишининг олдини олишда шафтоли баргларидан дамланган чойга ҳеч нарса етмайди. Фақат бу чойнинг бўшаширувчи хусусияти бор. Шафтоли энгил ҳазм бўлади. Шу боис, уни қони кам, дармонсиз ва иштаҳаси йўқ беморларга ейишни тавсия қилган бўларди. Юраги ва буйрағи хаста кишилар ҳам шафтолини парҳез ўрнида истеъмол қилишлари мумкин. Унинг магзи эса астмадан азият чекувчилар дардида дармон бўлади.



БИЛАСИЗМИ?

Дахлаб, чой ичиш аънаси бундан 3500 йил олдин Хитойда расм бўлган. Уларнинг тилидаги «ча-ийе» (яшил барг) сўзидан «чай» деган ном келиб чиққан.

Қанд-шакар илк бор Хиндистонда кашф этилган. Аммо қачонлиги маълум эмас. Шакар ҳинд тилида «саккара», русчада «сахар», арабча ва немисчада «суккар» дейилади.

ТУРФА ОЛАМ

Дунёдаги энг кичик автомобиль

БЎЙИ 48 САНТИМЕТР, УЗУНЛИГИ 1,65 ВА ЭНИ 3,7 МЕТРГА ТЕНГ FLATMOBILE АВТОМАШИНАСИ ГИННЕСНИНГ РЕКОРДЛАР КИТОБИДАН ЖОЙ ОЛДИ.



Маъмур техника мўъжизаси Перри Уоткинс томонидан ихтиро қилинган. Унинг таъкидлашчи, Flatmobile бошқарувчиси ўзини гўёки автомобилда эмас, балки чанги устида учаётгандек ҳис қилади. Кизиги шундаки, автомобиль кичкина бўлишига қарамай ўз двигателига эга. Айтиш жоизки, Flatmobile ихтироси Перри Уоткинснинг ягона ижод маҳсули эмас. У салкам 25 йил давомида ана шундай ноодатий автомобиллар ясаб билан шуғулланиб келади. Ихтиросининг энг биринчи кичик автомобили — Impressed 1990 йили ясалган. Ушанда ушбу автомобилнинг бўйи 66 сантиметр эди. Унинг кейинги ихтироси 1999 йили амалга ошди. Перри бу гал 61 сантиметрли Lowlife машинасини кашф этишга муваффақ бўлди. Унинг навбатдаги ихтироси — Flatmobileнинг яна қулайлиги шундаки, тўхташ жойларида турган юк машиналарининг тагидан унга ҳамisha жой топилади.

Эски дўст янгисидан афзал

“GENIUS GLUTEN FREE” ТАДҚИКОТ КОМПАНИЯСИ ИНСОН ҚАЙСИ ЁШДА ДЎСТ ТУТИНИШИ ЛОЗИМЛИГИНИ АНИҚЛАДИ.

Буюк Британияда ўтказилган мавзуга доир сўровномада 1505 киши қатнашган. Сўровнома иштирокчиларининг фикрича, инсон 29-30 ёшга етганда атрофида дўсту биродарларининг сони нисбатан кўпроқ бўлишни истади. Яъни, шу ёшдагилар ўртача 80 нафар одам билан яхши муносабат ўрнатишга ҳаракат қилади. Бу дўстлар сирасига мактаб, олий ўқув юрти ва иш жойида орттирилган танишлар ҳам қиради. Шу ва бошқа омиларни ҳисобга олган тадқиқотчилар ўртамеъна британияликнинг йўқ деганда 64 нафар дўсти борлигини аниқлашди. АҚШда олиб борилган тадқиқот натижалари эса инглизларникидан кескин фарқ қилади. Уларнинг наздида инсон 23 ёшга тўлгунга қадар етарлича дўстлар орттириши керак. Мутахассисларнинг фикрича, америкаликлар асосан тенгдошлари билангина дўст тутилади. Уларнинг аксарияти 23 ёшгача олий маълумот эгаси бўлибгина қолмай, бир жамоада меҳнат қиладилар. Шу аснода уларнинг алоқаси ҳеч қачон узилмайди. Эски дўст янгисидан афзал, деб шунга айтсалар керак-да.

3.ЗОИРЖОНОВ тайёрлади

Жуманазарова Камилла Ражабовнага тегишли Чилонзор тумани, 18-мавзе, 5-уй, 111-хонадоннинг уй ҳужжатлари йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Спорт

Полвонларимиз Соҳил ўйинларида қатнашади

Уч ярим минг йиллик тарихга эга бўлган ўзбек миллий спорт тури ҳисобланган курашга эътибор мамлакатимиз мустақилликка эришгач тамоман янги босқичга кўтарилди. Бугунги кунда халқаро макомга эга бўлган ўзбек кураши дунёнинг барча қитъаларида маълум машҳур. Осиё, Европа, Панамерика, Африка ва Океания кураш конфедерациялари таркибига бирлашган мамлакатларда жаҳон ва қитъа чемпионатлари, халқаро турнирлар ташкил этилмоқда. Миллий кураш умуминсоний кадрият сифатида халқаро майдонда ўзининг муносиб ўрнини эгалламоқда.

Миллий матбуот марказида ташкил этилган анжуманда таъкидланганидек, Осиё олимпия кенгаши жорий йилнинг ноябрыда Таиланднинг Пхукет оролида бўлиб ўтказилган IV Осиё Соҳил ўйинлари дастурига кураш спорт турининг ҳам расман қўшилганини маълум қилган. — Соҳил кураши миллий кураш қоидалари билан деярли бир хил, - дейди Кураш халқаро ассоциацияси матбуот хизмати раҳбари Жамшидбек Намозов. — Фақатгина Соҳил Курашининг қумда ўтказилиши сабабли унинг расмий кийими ва баҳолаш тизими билан боғлиқ ўзгаришлар мавжуд. Соҳил Кураши қоидалари Кураш Ассоциациясининг XIV Конгрессида расман қабул қилинган бўлиб, 2008 йилдан бери ўтказиб келинмоқда. Дахлабки мусобака Индонезиянинг Бали оролида, 2009 йилги иккинчи ўйин Уммон пойтахти Маскатда, учинчиси Хитойнинг Хайянг шаҳрида ўтказилган. Осиё Соҳил ўйинлари мунтазам ўтказиб келинаётган 5 та ўйинларнинг биридир. Кураш мусобақаси Оролнинг Патонг соҳилида ўтказилади. Расмий мусобақалар уч кунлик дастур асосида 15,16 ва 17 ноябрь кунлари эркеклар ва аёллар (66,73,81,90 ва 90 килограммдан ортиқ вазни эркеклар ва 52,57,63 килограммгача вазни аёллар) ўртасида саккиз вазн категорияси бўйича медаллар учун кураш олиб борилади. “Курашнинг IV Осиё Соҳил ўйинлари Дастуридаги иштироки ва жаҳонда ривожланиш жараёнлари” деб номланган маъмур тадбирда Кураш халқаро ассоциацияси бош қотиби Умид Ёқубов сўзга чиқди.

Х.ХОЖИЕВ

Уй-музейда

Ватан манзаралари



Юртимиздаги зиё масканлари, айниқса, музейлар баркамол авлодни тарбиялаш, уларнинг бўш вақтларини мазмунли ўтказиш, билим ва маънавиятини юксалтиришда муҳим роль ўйнади. Бу борда Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлигига қарашли Урол Тансиқбоев уй-музейи ҳам ўзининг муносиб ўрнига эга.

Пойтахтимиздаги маъмур музейда расом умрининг охиригача яшаб, ижод қилган. Музейда турли хил экспонатлардан ташқари, расомнинг ижодий устaxonаси, меҳмонхона ва кўплаб ҳужжатли архив материаллари, рассоми ҳақидаги китоблар, шахсий асарлари тўплами жой олган. Унинг бир қисм асарлари доимий намойишга қўйилган. 2000 дан ортиқ асарлари эса республика ва дунё музейлари, галереялар, хусусий тўпламларда сақланмоқда.

Ўрни келганда айтиш жоизки, рангтаъсир устаси, Ўзбекистон халқ рассоми, академик Урол Тансиқбоев (1904-1974) Тошкент шаҳрида туғилган. Отасидан жуда эрта айрилган бўлғуси рассом етти йиллик мактабини тугатгач, фабрикада ишлаб бошлади. Пенза рассомлик билим юрти, сўнгра Ўзбекистон давлат санъат музейи қошидаги тасвирий санъат студиясида тахсил олди. Ўз устида тинимсиз ишлаб, изланди. Мустақил ижодий йўлини қидирди. Ўрта Осиё деворий рассомлиги ва миниатюра санъати услубларини ўрганди. Дастгоҳ ва монументал санъатда турли жанр ва йўналишларда асарлар яратди. Иккинчи жаҳон уруши йилларида “Уруш йўлларида” номли туркум асарлар чизди. Унинг ижодида манзара жанри етакчи ўрнини эгаллайди. Она юртининг бадиий образини яратишдаги изланишлари, ҳаёт ва тарихий воқеаларнинг шохиди сифатида, уларни кузатиш асосида чўқур фалсафий мушоҳадаларга бой қатор асарлар яратди. Унинг “Ўзбек портрети”, “Карвон”, “Жонажон ўлка”, “Тахтиатол”, “Сирдарё”, “Ўзбекистонда март”, “Чорвоқ қурилишида”, “Менинг қўшигим”, “Жонажон Ўзбекистоним” ва бошқа қатор асарлари томошабинлар ҳамда санъатшунослар эъти-



борига тушди. 1958 йили рассом табиати янгича ифодалаш устида олиб борган узок йиллик изланишлари натижасида яратган асарлари билан Брюссель шаҳрида ўтказилган халқаро кўргазмада қатнашиб, юртга қумуш медал билан қайтди.

Санъатшунослик доктори Рафаил Тоқтош Ў.Тансиқбоев ижодида баҳо бераркан: “У ҳамisha манзара тасвирининг буюк устаси сифатида ижод қилди, унинг асарлари кишилар қалбига кўйининг сеҳрли оханглиридек оқиб кирди. Унинг рангли тасвирлари тасвирий санъатнинг сеҳрли

Нигора АХМЕДОВА, санъатшунослик фанлари доктори:

— Урол Тансиқбоев умри давомида табиатга ҳаёлий муносабатда бўлишдек ҳислатни, табиат билан биринчи учрашувдаги каби софликни сақлаб қолди. Унинг асарларидаги ҳайратланарли бетакрорлик ва ҳиссий софлиги, табиат ва инсоннинг уйғунлиги билан олам гўзаллигини тан олишдаги самимий кайфият ҳам мана шунда.

Қамола ОКИЛОВА, санъатшунослик фанлари доктори:

— Манзара жанрида ўзига хос мактаб яратган Ў.Тансиқбоев Марказий Осиё табиатини меҳр билан тасвирлаш билан бирга халқнинг ижодий меҳнат шавқини, бунёдкорлигини кўйлаган. У яратган асарлар ҳали ҳамон ўз қимматини йўқотмай, ёш рассомлар учун ибрат мактаби бўлиб келмоқда.

Ҳасан АБДУНАЗАРОВ

Реклама ўрнида

“Камилла” меҳмонларни чорлайди

Мустақиллик йилларида амалга оширилган ижтимоий-иқтисодий, сийёсий ислохотлар натижасида Ўзбекистон жаҳон ҳамжамиятида ўзининг мустақам ўрнига эга бўлди. Қўлга киритилган бундай улкан натижалар замирида мамлакатимизда ҳар бир фуқаро учун қафолатланган эркин ижод қилиш ва яратиш ҳуқуқлари, юксак интеллектуал ва ижодий салоҳиятни рўёбга чиқариш, ишбилармонлик йўлида яратилган шарт-шароитлар ётибди.




рафик ўрнида жойлашганлигини ҳисобга олиб, 2008 йил 2 декабрда Юртбошимиз томонидан Навоий вилояти эркин индустриал иқтисодий ҳудуд, деб эълон қилинган эди. Келгусида кўплаб хорижий мамлакатлардан ишбилармонлар, хорижий корхоналар фаолият юритишни ҳисобга олиб, меҳмонхона куришни режалаштирдик. 2009 йилда куриб фойдаланишга топширилган “Камилла” меҳмонхонаси бугун анча-мунча машҳур меҳмонхоналар билан бемалол рақобатлаша оладиган даражага етди. Республикаимиздан ташқари, хорижий давлатлар ва Хамдўстлик мамлакатларидан ташриф буюрган меҳмонларга кенг қўламдаги жаҳон андозаларига мос, маданий ва сифатли сервис хизмати кўрсатишга эришилгани фикримизнинг ёркин далилидир. Қисқа муддатда меҳмонхонанинг 50 ўринли янги - иккинчи биносини

куриш Республика манзилли дастурига киритилган эди. Дастур топширилгани мuddатидан аввал бажарилди. Мустақиллигимизнинг 22 йиллиги тўйига муносиб тўхта қилиб меҳмонхонамизнинг иккинчи мажмуасини фойдаланишга топширдик. Имтиёзли кредит асосида хоналар замон ва меҳмонлар талаби, эҳтиёжидан келиб чиққан ҳолда жиҳозланди, меҳмонлар учун зарур шароит ва қулайликлар яратилди. Мажлисларзали, тамаддихона, дам олиш учун махсус хоналар миқозлар хизматида бўлади. Энг муҳими 10 та янги иш ўрни яратилди. Уларнинг асосий қисми коллеж битирувчиларига ажратилди.

Замонавий ва бетакрор шаҳар-созлик андозаларига мос гўзал Навоий шаҳри марказида жойлашган меҳмонхонамизга бугун барча ҳавас қилади. Италия, Франция, Хиндистон, Хитой, Жанубий Корея, Сингапур, Бирлашган Араб

ланган, замонавий ахборот технологиялари билан жиҳозланган иккита анжуманлар зали ва ресторон меҳмонлар хизматида. Бу ерда спорт ихлосмандлари учун ҳам тренажёр зали фаолият юритади. Миқозларнинг хавфсизлигини таъминлаш учун кузатув камералари ўрнатилган. Уларга транспорт хизмати кўрсатиш намунаси йўлга қўйилган. Ҳар бир меҳмон учун юқори тезликдаги Wi-Fi интернет хизматидан бепул фойдаланиш имкониятлари ҳам бор. Мухтасар айтганда, кундан-кунга жамиятимиз тармоғини кенгайтириб, янги иш ўринлари яратиш ва шаҳримиз меҳмонларига сифатли хизмат кўрсатишга эътибор қаратмоқдамиз.

Фарҳод ЭРНАЗАРОВ, тадбиркор, халқ депутатлари Навоий шаҳар Кенгашига ўзМТДПдан сайланган депутат



www.Hotel-Kamilla.uz веб-сайтимиздан меҳмонхона тўғрисидаги барча маълумотларни олиб олишингиз мумкин. Биз билан ҳамкорлик қилишни хоҳлаганлар учун электрон манзилими: info@hotel-kamilla.uz Телефонларимиз: +998-79-233-99-97; (факс) +998-79-233-45-15